

ФАХР

ДУНЁ ДАРВОЗАСИ ОЧИЛДИ БИЗГА

Гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, мана энди мамлакатимиз футболни дунёнинг катта саҳнасига чиқди. Дастлаб Тимур Кападзе бошчилигидаги ёшлар терма жамоаси жаҳон олимпиадасида қатнашди. Ислоҳ Исмоиловнинг 17 ёшгача бўлган шогирдлари Осиё чемпионатидаги барча рақибларини доғда қолдириб чемпионликни тантана қилди. Улар финалда бош ҳакамнинг ғалати қарорларига қарамасдан рақиб – Саудия Арабистони (чемпионат мезбонлари) футболчиларини “ажриқ тимдалашга мажбур” қилишди.

Шу йилнинг 5 июнида эса миллий терма жамоамиз азалий орзусига эришиб, илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритди. Ушбу хурсандчилик бизни футбол ҳар қандай миллатни, ҳар қандай мамлакат ва халқни бирлаштиради, деган фикрнинг нақадар ойдин ва рост эканлигига яна бир бор ишонтирди. Қирғиз, қozoқ, тожик, туркман ва озарбайжон биродарларимиз қай жамоага ишқибоз эканлигини очиқ намоиш этдилар.

1991 йил мамлакатимиз мустақилликка эришган бўлса, терма жамоамизнинг ФИФАга аъзо бўлиши 1994 йилда амалга ошган. ФИФА регламентига кўра, биз 1994 йилдан бошлаб халқаро мусобақаларда расман қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганмиз. Илк бор 1998 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасида қатнашганмиз. Бу давр мобайнида терма жамоамизнинг Осиё ўйинларида (1994 йилда) ғолиб бўлганлигини ҳисобга олганда жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг баъзи бирларида мундиалга бир қадам қолганда қоқилганини ёки имкониятни бой бериб қўйганини жуда яхши эслаймиз. Бир ғалаба, бир очко ва биттагина гол етмай қолганидан роса хуноб бўлганмиз.



Яқинда терма жамоамиз аъзоси Жалолиддин Машариповнинг ижтимоий тармоқда эълон қилинган фикрларини ўқиб қолдим. У асосан бош мураббийлар кўнимсизлигидан таажжубда бўлганлигини билдирган. Бу айти ҳақиқат. Кейинги 30 йил ичида терма жамоамизда 24 бор бош мураббий алмаштирилган. Иванков, Силва, Борисов, Садиринов, Саркисян, Сальков, Остроушко, Гёде, Хоугтон, Непомнящий, Инилеев, Абрамов, Бабаев, Купер, Катанецлар келиб-кетган бўлса, Акрамов, Иброҳимов, Мирсодиқов, Раҳимов, Ҳайдаров, Қосимов сингари олти нафар ўзбек мутахассиси ҳам терма жамоамизни бошқарган. Ушбу мураббийлар орасида фақат Миржалол Қосимов билан Хоугтон жамоамизни саралаш мусобақаларида мундиалга жуда яқин келтиришган. Саралаш учрашувларидаги энг ёмон натижалар

эса Мирсодиқов, Сальков, Остроушко, Бабаев мураббийлик қилган даврларга тўғри келади.

2014 йил бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларида қатнашаётган терма жамоамиз Миржалол Қосимовнинг кўлига ўтгач, кетма-кет ғалабаларга эришди. Энг сўнгги ҳал қилувчи ўйин Сеулда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтказилиши лозим эди. Жамоа аъзолари яхши тайёргарлик кўриш ва об-ҳаво муҳити ҳамда қўтилмаган шaroитларга мослашиш учун бир ҳафта олдин сафарга отланди. Сафар давомида Хитойда тўхташ, кўнгиладигдек машғулот ва битта ўртоқлик учрашуви ўтказиш ҳам белгиланган эди. Машғулотлар учун режалаштирилган сифатли футбол майдонларининг нархи қимматлиги сабаб футболчиларимиз талабга жавоб бермайдиган стадионда кунлик машғулотларни ўтказишга

мажбур бўлишган. Бунинг устига об-ҳаво шароити ёмонлашганлиги учун Хитойдан Жанубий Кореяга учоқлар парвози ҳаддан зиёд қисқартирилиб юборилган. Натижада терма жамоамиз аъзолари Хитойдан Владивостокка, у ердан Сеулга учишга мажбур бўлишган. Ушбу муаммолар туфайли йигитларимиз муҳим учрашувга бир кун қолганда манзилга чарчаб-ҳориб етиб келган. Табиийки, вақт зикрлиги боис бирорта ҳам жиддий машғулот ўтказмасдан майдонга тушиб, асосий учрашувни мезбонларга бой беришган эди. Ким айбдор, футболчиларимиз ёки ташкилотчилар? Эски гап, эски муаммо.

Терма жамоамиз тарихида саралаш учрашувларидан олдин бундай табиий ва нотабиий тўсиқлар жуда кўп бўлган.

(Давоми 8-саҳифада.) ➤

НУҚТАИ НАЗАР



УЛУҒБЕК ЮЛДУЗЛАРИ

Бугунги глобллашув ва тезкор инновациялар даврида ҳар бир давлатнинг тараққиётини белгиловчи асосий омил бу – ёш авлоднинг билим, тафаккур, ташаббус ва масъулият даражасидир. Ёшларнинг куч-ғайратига ишонч билдириш, уларнинг ҳар бир интилиш-ҳаракатларини рағбатлантириш лозим.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган маърифий сиёсатда “Бугунги ёшлар – эртанги тараққиётнинг, миллий юксалишнинг пойдеворидир” тарзидаги устувор дастурнинг амалда қўлланилаётгани ҳамда ҳаётий ҳақиқатга ургу берилаётгани биз каби мўйсафидларни мамнун қилади, албатта.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Янги қонунчилик ҳужжатлари, дастурлар, жамғарма ва институтлар орқали ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, таълимга, фан ва технологияларга бўлган интилиши ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ қўллаб-қувватланмоқда. Дарвоқе, ўзим ёшлар билан қалбдан биргаман, уларга имкон борича маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатаман. Шу эътибордан алоҳида аҳамиятга эга бўлган институтлардан бири – “Улғубек” жамғармасидир. Улуғ аллома ажодимиз номини олган бу жамғармамиз илмий салоҳиятли, изланувчан ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаб келади. Жамғармадан моддий ва маънавий қувват олган ёшларимиз мамлакатимизнинг турли жабҳаларида хизмат қилаётганидан, Ватан тараққиёти йўлида фидойиларча ишлаётганидан қувонаман, тўғриси. Гоҳида улар ўз ишларидан мамнунлиги боис бизнинг даргоҳга келишади, алоҳида ташаккурларини айтади ҳам. Шунда “Улғубек” жамғармаси ўз олдида қўйган улкан миссияни тўлақонли бажараётганини юрак-юракдан сезиб тураман.

Жамғарманинг асосий мақсади – иқтидорли, салоҳиятли, ватанпарвар ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг билим ва тажриба орттиришига зарур шароит яратиш, илмий сафарлар ва стажировкаларга юбориш, хорижий тилларни ўрганиш ва нуфузли халқаро илмий муҳитга интеграциялашиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Бунинг самараси ижтимоий-маърифий ҳаётда аниқ кўринаётир.

Кейинги йилларда жамғарма фаолияти сезиларли даражада фаоллашиб, кўплаб янги йўналишлар очилди.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

ГУРУНГ

АЁЛ МАЪРИФАТИ



Маърифат – ақл-заковат, ахлоқий қарашлар, ижтимоий масъулият ва тарбия уйғунлигидир. Шу маънода, маърифатли аёл деганда фақат ўқиган эмас, уққан аёл ҳам тушунилади. Зеро, маърифатли аёлгина оилада соғлом муҳитни шакллантиради, фарзанди орқали жамият келажагига юксак таъсир кўрсата олади. Халқимизда “Бир қизни тўғри тарбияласанг, бир оқил авлодни тарбиялаган бўласан” деган ҳикмат бежиз айтилган эмас. Унинг замирида аёл шахси, савияси, сажиясининг тарбияга нечоғли таъсири борлиги англашилади.

Бошқача айтсак, маърифатли аёл маърифатли миллат демакдир. Айти маърифатли аёл тимсолида соғлом оила муҳити ва жамият тараққиёти ўртасида чамбарчас боғлиқликлар, тарбия ва тиббиёт соҳасидаги ислохотлар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси Элмира Боситхонова билан суҳбатлашдик.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН



“МЕН ҲАМ КЎПРИК ҚУРАЖАКМАН ШЕЪРДАН ЁНИБ...”

Тошкент – Андижон поездиди йўлга тушдим. Муҳташам темир тулпорда одам ҳам жисман, ҳам руҳан ором олиб кетади. Айниқса, борлиқнинг гўзал манзаралари кўз олдинда жонли гавдаланиб турса, осмонга бўйлаб турган улғу тоғлар бор виқори, бўйи баста, салобати билан кўксингга кўчиб ўтади.

Қоялар оралаб борар эканман, қалбимдаги ҳислар икки хисса ортади. Сабаби, бир кун аввал қирғиз

халқининг атоқли шоири Жолон Мамитовнинг ўзим ўзбек тилига ўғирган “Тоғлар” шеърини ўқиб, кичик видео тайёрлагандим:

...Кўкда сузган улғу тоғлар,
сизлар ҳатто,
Емирилиб бораётганга
ўхшайсизлар...

Жолон оғанинг шеъри мана шу сатрлар билан бошланиб, айнан шу мисралар билан ниҳояланади.

(Давоми 6-саҳифада.) ➤

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

ИНСОН ҚАДРИ ВА ЖАМИЯТ: ДИАЛЕКТИК БИРЛИК ЗАРУРАТИ

“Қадр” – арабча сўз. У луғавий жиҳатдан “миқдор”, “ўлчов”, “даража”, “мартаба”, “тақдир”, “қисмат” маъноларини англатади. 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг истилоҳий маъноси мана бундай изоҳланган: “1. Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, ўзга(лар) томонидан бўлган ҳурмат, эътибор. 2. Ҳаётда тутган ўрин; аҳамият, муҳимлик ҳолати”. Бу ўзақ асосида тилимизда яна “қадрдон”, “қадрдонлашмоқ”, “қадрдонлик”, “қадрият”, “қадрламоқ”, “қадрли”, “қадрсиз”, “қадрсизланмоқ”, “қадршунос”, “қадршунослик” сўзлари ясалади.

“Қадр” тилимиздаги “баҳо”га яқин келади. Ҳар ким жамиятда муносиб баҳо олишни, ўз ўрни, обрў-эътиборига эга бўлишни истади. Шунинг учун инсон қадрни юксак бўлган жамиятлардаги тараққиёт юз беради.

(Давоми 5-саҳифада.) ➤




Бошланиши 1-саҳифада.

Жумладан, магистратура ва докторантура босқичидаги ёшлар учун хорижий стажировкалар, халқаро конференцияларга ташрифлар, нуфузли илмий журналларда мақола чоп этиш бўйича грантлар – ҳаммаси ёшларнинг замонавий илм-фан билан уйғунлашувига олиб келмоқда. Зотан, уларнинг дунё илм аҳли билан танишуви, таниқли олимлардан таълим олиши ва ҳамкорлиги қадим аждоқлари улкан алломалар бўлган билимли ўғил-қизларимизнинг доврғини дунёга танитади.

Жамғарма томонидан ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар – айнан ёшлар тафаккурини бойитиш, уларни чуқур илмий-маданий мулоқот майдонида жалб этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни англатиш мақсадида йўлга қўйилган лойиҳаларимиздан бири.

Маърузалар нафақат пойтахтдаги олий таълим муассасаларида, балки вилоят ва туманлардаги ёшлар марказлари, мактаблар, кутубхоналар ва маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда. Ҳар бир тадбир ёшлар билан юзма-юз, самимий ва очиқ мулоқотга асосланиш билан эътиборга молик.

Мавзулар доираси эса ниҳоятда кенг: тарих, фалсафа, замонавий технологиялар, адабиёт, психология, ижтимоий муаммолар, экология, миллий қадриятлар, танқидий фикрлаш, ахборот хуружларига қарши иммунитет каби муҳим йўналишлар ёритилмоқда. Зеро, жамғарма ташкил қилаётган туркум маърузалар ўзининг янги шакли билан ажралиб туради. Бу ерда оддий тингловчи эмас, фаол иштирокчи бўлиш асосий тамойил ҳисобланади. Ҳар бир



Оқил САЛИМОВ,
академик

ёш фикр билдиради, баҳс-мунозарада қатнашади, саволлар беради, тақлифлар киритади. Энг муҳими, у ўзининг жавобгарлигини ҳис қилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. “Ёшлар – келажагимиз” деган ёндашувдан “Ёшлар – бугунимиз ва ҳозирги тараққиётимиз” деган концепцияга ўтилмоқда. Бундай стратегик қараш бежиз эмас, чунки мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Уларнинг фикр одами бўлишлари ташаббускорлиқни ўртага чиқаради. Бунинг натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ёшлар иштироки кучаяди; улар

ўз салоҳиятини намоён этиш учун муайян майдонга эга ҳам бўлишади.

Ёшларни рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш имтиёз ва кредитлар бериш ёки улар учун иш ўринлари ажратиб билан чекланиб қолмайди. Энг муҳими, ёшларнинг дунёқараши ва тафаккур тарзи кенгайди; ўзлигини, ўз миллий қадриятларини қадрлаши кучаяди. Ёшлар қалбида илм-фанга меҳр-муҳаббат, чин маънода ватанпарварлик ҳиссиётлари уйғониши, бу, менимча, Учинчи Ренессанс томон олға қадам ташлаш демокдир. Шу нукта назардан, ёшларга оид давлат сиёсати бугун илм-фан, маънавият-маърифат, китобхон-

лик маданиятини кучайтириш, миллий ўзлиқни англаш, глобал дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларга огоҳ ва ҳушёр муносабат тарзида олиб борилаётгани ўзини оқлайди. Менинг бунга ишончим комил, азизлар!

“Улуғбек” жамғармаси иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, халқаро даражада танилишига кўмаклашиш мақсади йўлида фундаментал фаолият олиб борар экан, бу жараёнда, энг аввало, ўзбек халқининг илм-фан, тафаккур ва зиёлилик борасидаги тарихий анъаналарига таянади. Бугунги қалби ғайрат-шижоатга тўла ёшларимизнинг фикр-

лаш тарзида жадид боболаримиз орзу қилган дунё билан бўйлашиб, уйғониш, ривожланиш, энг асосийси, замонавий дунё тараққиёти моҳиятини туб-тубидан англаш тамойиллари жуда муҳим саналади.

Тақорр айтаман, жамғарма бежиз Мирзо Улуғбек номини олмаган. Буюк алломанинг илмга бўлган садоқати, беповён осмони фалаклар тадқиқидидаги орзуси, юлдузлар оламига сайру саёҳати жасорати, билимга таяниб давлатни адолатли бошқариши, олимона-файласуфона доно сиёсати – буларнинг барчаси ёшларимиз учун порлаган ойдин маёқ, улкан дорил-фунундир. Фақат бу даргоҳда ихлос

билан таълим олмоқ лозим.

Жамғарма ёш авлоднинг фикрини, талаб ва тақлифларини эшитиб, уларни кенг ижтимоий ҳаётга жалб этмоқда. Шу билан бирга уларни ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан мустақам иммунитетга эга шахслар сифатида шакллантирмоқда. Ўзининг тарихий илдиэларига суяниб, замонавий тафаккурга эга бундай ёшлар Янги Ўзбекистоннинг таянчи бўлиши шубҳасиз.

Бугунги Ўзбекистон тараққиёти учун энг муҳим ресурс бу – тафаккурли, билимли, ўзлигини англаган ёш авлоддир. Ёш авлодни тарбиялаш – бу нафақат таълим тизимининг, балки бутун жамиятнинг энг муқаддас бурчи. Айниқса, бугунги шиддатли ахборот оқими, мафкуравий хуружлар, сохта қадриятлар ҳаётиимизга кириб келаётган бир паллада ёшлар онгини илм ва тафаккур билан қуроллантириш – ҳар қандай моддий бойлиқдан устун ишдир.

Зеро, жамият ҳаётининг тараққиёти, мамлакатнинг кўрқи, аслида, кўп сонли бинолар, завод-фабрика ёки йўллар билан бирга тафаккурли, виждонли, билимли ва иймонли инсонлар аураси билан ўлчанади. Бугун биз қанчалик фидокорлик билан ёш авлодга меҳр, таълим-тарбия берсак, уларни ҳақоният, тўғрилиқ йўлига бошласак, табиийки, буюк алломалари онгу шуури туфайли ўз вақтида дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган мамлакатимиз келажақда шу даражада юксалади. Ва шунда буюк алломалар юрти қайтадан оламдаги энг нуфузли илм-фан масканига айланади. Бу юртнинг илм осмониди Улуғбек кашф этган юлдузлар каби истеъодларимиз қаҳқашони янада ёрқинроқ порлайди.

Бошланиши 1-саҳифада.

– Элмира опа, маърифатли аёлни шахсан ўзингиз қандай тасаввур қиласиз?

– Аёл маърифати, аввало, тарбия билан узвий боғлиқ. Бувим раҳматли ҳар доим “Ойлага файзу баракани аёл олиб киради”, дердилар. Ҳаётий ҳақиқат шу, аёл маърифати фақат билими, лавозими ё маълумотида эмас, унинг муҳаббати, оилани бошқаришдаги расо тутумлари, фарзанд тарбиясидаги масъулиятда акс этади.

Оддий ҳаётдаги кўникмалар ҳам маърифат белгисидир. Масалан, кўкланда, “илик узилди” пайтида пазандаликка оид халқона одатлар: кўксомса ёпиш, янги кўкатлардан таом тайёрлаш ва кўшчиларга илминиш – буларнинг барчаси бувиларимиз, оналаримиз томонидан ўргатилган маънавий тарбия намунасидир. Эсласангиз, беҳи пишиғида момолар жавон устига сарғиш беҳилардан териб қўйишарди. Нима учун деб ўйлайсиз? Шамоллашга даво, таомга маза-таъм учунми? Фақат шунинг ўзи учун эмас. Беҳининг хуш бўйи асабларни тинчлантиради. Ҳар бир оилада мана шундай тартиб-қоидалар, юрак-юракдан амал қилинган қадриятлар бўларди. Қиз бола тарбиясида оталарнинг роли ҳам катта. Бобом жадидлардан эди ва узоқ йиллар ўз даврида янги усул мактабларида муаллим бўлиб ишлаган.

– Шу ўринда бобонгиз ҳақида батафсилроқ маълумот бериб ўтсангиз.

– Менинг бобом Эшон Исмолов юртимизда халқ маорифи соҳасини юксалтириш борасида кўп меҳнати сингган маърифатпарвар инсон бўлганлар. У киши ўша даврнинг пешқадам зиёлилари Абдулла Авлоний, Тавалло, Мунаввар қори билан ҳаммаслак бўлиб, тез-тез улфатчилик қилиб туришган. Ўша даврдаги улфатчиликлар ҳозирги “гап”лардан тубдан фарқ қилиб, мақсад емак-ичмак эмас, илму урфон, миллат қайғуси, хуррият орзуси, китобхонлик эди. Айниқса, бобом Абдулла Қодирий билан жуда яқин бўлиб, таълим-тарбия масалалари бўйича у киши билан маслаҳатлашган, ўзаро фикр алмашган. Шундан келиб чиқиб, она тилининг устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор ўқув қўлланмалар ёзган. Барча фидойи миллат қўлчилари каби бобом ҳам маърифат тарқатиш мақсадида Қарши, Шеробод каби чекка ҳудудларда ўқитувчиларнинг малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатгани ҳақида маълумотлар бор.

Бобом битган жами 12 та китобни Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтига илмий тадқиқот учун топширганман. Улар орасида “Мирот али-замон” (“Замон кўзгуси”) асари қўлёзмаси ҳам бор. Ҳўш, Эшон бобо ҳаётда қандай инсон бўлган? Шу ерда у киши бевосита менга берган тарбияга оид ҳаётий бир воқеани айтиб бермоқчиман. Эсимда бор, 9 ёшимда қўлимга “Фарғона келини” деб номланган китобни тутқазиб “онам, шу китобни ўқинг, менимча, сиз ҳақингизда ёзилганга ўхшайди”, деганлар. Бобом мени исмим билан чақирмай “онам” дердилар. Китобда мен тўғримида нималар ёзилган экан деган қизиқиш пайдо

бўлиб, бир кечада ўқиб чиққанман. Дарҳақиқат, бу асар кейинчалик менинг ҳаётимда муҳим ўрин тутди. Шу тариха китобга, илмга, қадриятларимизга бўлган қизиқишим ва муносабатим бобомерос тарбия орқали шаклланди.

Бобом қатагон қилиниб, узоқ вақт қамоқда ўтирган. Ўша ерда ҳам имкони борича ёзган, таржималар қилган. Ўз хатлари орқали уйимиздагиларга оила мустақамлиги ва фарзандлар тарбияси борасида йўл-йўриқ кўрсатиб турган. “Қобуснома”ни ўзбек тилига биринчилардан бўлиб таржима қилган ҳам менинг бобом бўлади. У киши қатагонга дучор бўлишдан олдин Тошкентдаги болалар мактаб-интернатида раҳбар бўлиб ишлаган. Бобом ёшларнинг таълим-тарбиясида илм билан бирга ҳунар ва зироат-

кўзларим ёшга тўлади.

– Билим ва тарбиянинг асоси оилада шаклланади. Қиз бола бобоси, буви, ота-онасидан улги олади, шундай эмасми?

– Албатта, қиз бола энг биринчи тарбияни оиладан олади. Болалигимизда дастурхон атрофида ўтирсак, онамизнинг баланд овозда нимадир деганини эшитмасдик. Андиша эди бу. Ёки бобом тановулга қўл чўзганидан сўнггина бошқалар ҳаракатга тушарди. Ҳурмат эди бу.

Афсуски, бугун айрим оилаларда эркакларнинг дастурхон бошида ўзини тутта билмаслиги, кайфиятига қараб қўпол муносабати – “Бу нима овқат?”, “Яхшироқ қилсанг бўлмайдими?” каби жеркишлар, энг ёмони, бу болалар кўз ўнгида рўй бе-

дор кўринишини истаيمان. Шу маънода маърифатни биз Ғарбдан эмас, ўз тарихимиз ва урф-одатларимиздан топишимиз зарур. Бизнинг миллий қадриятларимиз – ҳаё, ҳурмат, садоқат, меҳр-оқибат, одоб, аёлга муҳаббат, эъзоз-эҳтиром – ҳар доим ўзбек оиласининг юраги бўлиб келган. Биласизми, 80-йиллар атрофида биз хотин-қизлар тарбиясида бироз узилиш рўй берган даврни бошдан кечирдик. Аёллар боқувчилик юқини елкасига олиб, оғир сумкалар билан чет элларда тирикчилик қилишга мажбур бўлишди. Бу ҳолат вақт ўтиб, оммавий кўриниш олди ва жамиятда мувозанат бузилишига ҳам сабаб бўлди.

Шукр, сўнгги йилларда Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли хотин-қизлар шаъ-



Масалан, ҳар бир шифокорнинг тўлиқ ставкада ишлаши ва меҳнатига яраша маошини 1,5 минг долларгача кўтариш ташаббусини олайлик. Ўйлайманки, ҳар қандай соғлом фикрли тиббиёт ходими бундай ғамхўрлик ва ишончни оқлаш учун сидқидилдан ҳаракат қилади. Чунки улар оддийгина тиббий анжомлар билан таъминланмаган шифохоналар, рўзгорга урвоқ бўлмайдиган маош туфайли “бе-морнинг қўлига қараш”га мажбур бўлган даврларини ҳали эсидан чиқаргани йўқ. Ҳозир ислохотлар сабаб касалхоналар рўзмана замонавий шифо масканига айланыпти. Яқин келажақда, албатта, мавжуд камчиликлар ҳам бартараф этилишига ишончимиз комил.

– Элмира опа, суҳбатимиз якунида, юртдошларимизга ўз соғлигини асраш юзасидан қандай тавсиялар берган бўлар экан?

– Бугун тиббиётнинг вазифаси фақат касалликни даволашдан иборат эмас. Асосий мақсад касалликнинг олдини олиш, инсон ҳаётини сақлаш ва унинг фаровонлигини таъминлашдан иборат. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳаётини қадрлаш, унинг салоҳиятини асраш ва соғлом миллатни вужудга келтиришга қаратилган. Биз бунга оғир синаов – пандемия даврида яққол англадик. Соғлом инсонгина ҳаётдаги ҳар қандай тўсиқни енғади, бахтини ўзи яратади. Шу боис, ҳар бир юртдошимизга, аввало, соғ-саломат бўлинг, деган тилакни билдираман. Яна бир асосий гап: Президентимиз жамиятдаги айрим иллатларга қарши “халоллик вакцина”си зарур деган ҳикматли гапни кўп таъкидлайди. Бу эмламанинг асоси маърифатда, китобхонликда, мактабдадир. Биз лоқайдлик, дабдаба, калтабинлик, такаббурилик ва таъмағирлик каби “касалик”ларга бирлашиб зарба беришимиз шарт. Шу йўлда баҳоли қудрат заҳмат чекаётган “Jadid” газетаси жамоасига самимий миннатдорлик изхор этаман. Ҳеч бир хонадон эшигига хасталик йўламасин, осонларда доимо бахту саодат мунтазир турсин!

– Мазмунли ва самимий суҳбатингиз учун ташаккур. Сизга ҳам саломатлик ва ишларингизга бардавомлик тилаб қоламиз.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

АЁЛ МАЪРИФАТИ

ҳаёт-мамот масаласидир

чиликка ҳам эътибор бериш керак, деб ҳисоблаган. Айтишларича, бобомни қамоққа олиш фитнасида у кишининг айна ана шу қарашларидан усталик билан фойдаланишган экан. Яъни, “болаларни ишлатиб, феодалларча эксплуатация қиялпти, биз совет жамиятини бундай ёт унсурлардан муросасиз тозалашимиз шарт”, деб иғво хати ёзишган. Шу биргина қаюв хатини дастак қилиб, “одил совет суди” у кишига 17 йиллик қамоқ жазосини тайинлаган. Бобом айбсиз-айбдорлар қаторида Норильск оролидаги қамоқхона ва меҳнат лагерида оғир шароитларда ана шу муддатни тўлиқ ўтаган. Бувижоним эса етти норасида билан чирқиллаб қолаверган. Дардини кимга айтсин?

– Ҳа, у пайтларда аёллар эркаклардан кам жабр кўрмаган, дейишади.

– Нимасини айтасиз. Онамининг айтишларича, НКВД вакиллари “сен халқ душманининг оиласисан”, деб ҳовлида ерга солинган эски шолчани ҳам йиғиштириб олиб кетган экан. Шип-шйдам ҳовлида на ейишга, на ўтиришга бирон нарса қолмаган кунларда улар яна пайдо бўлиб, дўқ-пўписа билан бувимдан уйни тезда бўшатишни талаб қилишади. Бувим бечора йиғлаб-сиқтаган қўйи икки боласини эшакка миндириб, беш фарзандини яёв эргаштириб, Зангиотадаги ота ҳовлисига боради ва ўша ерда яшаб қолади.

Кейинчалик ўқишга кирган икки холамни ҳам “халқ душманининг қизи” деган “айблов” билан бир кунда Тошкент тиббиёт институтидан ҳайдашган. Онам айтиб берган дилгир воқеаларни эсласам, ҳалигача ҳўрлигим келиб,

риши – ўта ёмон, балки хатарли ҳолатдир. Бола тарбияни сўздан кўра кўпроқ ота-она ҳаракати, муносабатидан ўрганади, ўзлаштиради. Шахсий намуна, ижобий муҳит ва эътибор энг самарали тарбия воситасидир. Илм-фан тадқиқларига кўра, ақл, қобилият ва идрок асосан онадан ўтади. Бу эса бизнинг миллий қарашларимиз билан ҳам уйғун. Шу ўринда таъкидлашни истардим, фарзанда мақтовлар меъёрида бўлиши зарур. Оғзидан чиққан ҳар нени бажо келтириш бола тарбиясига акс таъсир қилиши ҳеч гап эмас. Тарбия шундай – олтин ўрталикни сўрайдиган нозик масала. Шундан келиб чиқиб, маърифатли аёл бу тарбияли аёл, дейман.

– Бугун хотин-қизларимизни янада маърифатли этиш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

– Тараққиёт фақат иқтисодиёт ёки технология билан эмас, маънавият ва онг билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Аёл маърифатли бўлса, оилада муҳит соғлом бўлади. Бугунги кунда, авваламбор, қиз фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор беришимиз керак, назаримда. Китобга меҳр уйғотиш, уларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу фақат шаҳар марказларига эмас, чекка ҳудудларга ҳам бирдек тааллуқли. Имкониятлар тенг бўлиши керак.

Иккинчидан, ахлоқий тарбияни кучайтириш зарур. Маърифат фақат дарсликдан эмас, муҳитдан, қалбдан ва ўрнадан келади. Бу борада ОАВ ва ижтимоий тармоқларда маънавий тарғиботни кенгайтириш айна муддао. Бугун аёллар сурати билан эмас, сийрати билан ҳам жозиба-

ни, мавқеи ва нуфузи қайта тикланмоқда. Бугун аёллар учун илм-фан, сиёсат, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда кенг имкониятлар яратилган. Энг муҳими, аёл ўз устида ишлаши, имкониятдан унумли фойдаланиши, шу билан бирга оиладаги бурчини ҳам унутмаслиги керак. Хонадон фазйи ва жамият ривожига бирдай ҳисса қўша олсак, мана шу аёл маърифатининг энг юксак чўққиси деб ҳисоблайман. Шахсан ўзим ҳам аёл ва она сифатида ҳаётдаги ўрнимдан манунман.

– Жорий йилнинг 7 май куни Президентимиз раислигида тиббиёт тизимидаги ислохотлар таҳлилига бағишлаб ўтказилган йиғилишда фидойи шифокорлар меҳнати эътироф этилган ҳолда, соҳадаги камчиликлар хусусида танқидий фикрлар ҳам билдирилди. Сир эмас, халқимиз орасида ҳам соҳага нисбатан баъзи эътирозлар бор.

– Давлатимиз раҳбари ўша йиғилишда мамлакатимизда тиббиёт ходимларининг сони бўйича ҳам, соҳани давлат томонидан молиялаштириш борасида ҳам муаммолар йўқ бўлса-да, бироқ тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича оғриқли саволлар кўп эканига эътибор қаратдилар. Бу ўринда гап шифокорларнинг салоҳияти, савияси, виждони ва ватанпарварлиги ҳақида борапти. Ана шу сифат бўлмаса, яъни, шифокорнинг қонида “фидойилик эмламаси” бўлмаса, соҳада турли-туман иллатлар давом этаверади. Бор гапни айтиш керак, Давлатимиз раҳбари соҳадаги ҳар қандай муаммоларга ечим топиб, уларнинг моддий ва маънавий базасини ҳам аниқлаб берганлар.



ТАҲЛИЛ

Кейинги йилларда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш борасида янада самарали ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз ва дунё миқёсида қатор илмий анжуман ва конференциялар ташкил этилиб, бобуршуносликка оид кўплаб илмий масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда.

АРУЗ – ШАРАФЛИ ИЛМ

Юртимиз олимлари томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Бобур энциклопедияси”нинг тўлдирилган учинчи нашрини тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам қизгин паллада. Бундан ташқари, 2022–2025 йилларда “Бобур асарлари лугати”, “Бобурнома”нинг янги нaшри қоракалпоқ тилларидаги табибли чоп этилди, асарнинг қозоқча, қирғизча ва итальянча таржималари юзага келди. Бобур номли халқро қажоат фонди ташаббуси билан адибнинг тўла асарлар тўплами – “Куллийт” ўқувчилар қўлига етиб борди. Қўп тилли Бобур платформаси (baburid.uz) яратилгани ҳам кейинги йилларда бобуршунослиқда эришилаётган ютуқлар қўламини белгилайди.



“АРУЗ РИСОЛАСИ” ТУРК ТИЛИДА

Бобуршуносликда хорижлик олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари янада қувонарли. Ана шундай илмий фундаментал тадқиқотлардан бири “Аруз китоби”дир (2024). Туркиялик олима, филология фанлари доктори, профессор Танжу Орал Сейҳан томонидан тайёрланган ушбу китоб муаллифнинг бобуршунослик соҳасида қўп йиллик изланишлари самараси ўлароқ юзага келган. Тадқиқотчи бунга қадар ҳам қатор изланишларини, жумладан, 2004 йили “Мубаййин” асарини Берлин ва Тошкент қўлёзма нусхалари асосида илк бор туркчада эълон қилган. “Бобурнома”, “Рисолаи волидия”, “Хатти Бобурий” ҳақида ҳам қўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган.

Танжу Сейҳан қарийб йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида “Аруз рисоласи”ни ўрганиб келади. Унинг бу борадаги илк тадқиқотлари 2000 йил бошларида эълон қилинган. “Аруз китоби” таржима нашрини туркий арузшунослик илмининг тадрийжий тараққиётидаги муҳим тадқиқот ўлароқ баҳолаш мумкин.

“Аруз китоби” уч қисмдан иборат бўлиб, унда “Аруз рисоласи”нинг учта нусхаси – Париж миллий кутубхонаси, Техрондаги “Голестан саройи” музейи ҳамда Истанбулдаги Мармара университети Илоҳиёт факультети кутубхонасида сақланаётган куллийтдан маълумотлар келтирилади. Олима фикрича, шу кунга қадар илм аҳлига маълум бўлган ушбу қўлёзма нусхалар ўзаро қийсанганда улар орасида жузъий камчиликлардан ташқари, матн ва тил бўйича деярли фарқлар йўқ. Шу боис олима таржимада энг эски нусхани эмас, балки тўлиқ бўлган Истанбул нусхасини асос қилиб олганини қайд этади.

ЭНГ ТЕРАН ҚАРАШ ЭГАСИ

Шарқ мумтоз поэтикаси асосини илмлар учлиги ташкил қилади. Булар: илми аруз, илми бадеъ ҳамда илми қофия. Мумтоз адабиёт тарихида бу уч илм биргаликда мумтоз шеър нафосати, шоир салоҳиятини белгиловчи бош мезон ҳисобланган. Улар орасида аруз илми нисбатан мураккаб ҳисобланиб, уни яхши билмаслик мумтоз асарлар моҳиятини англашда қийинчилик туғдиради. Аруз шарафли илм бўлгани боис адабиёт оламида унда қўплаб мумтоз асарлар битилган. Туркий адабиёт тарихида энг биринчи рисола Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун-ул балоғ” (“Балоғат фанлари”) экани айтаилади. Ундан кейин Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари, ундан сўнг эса Бобур Мирзонинг “Аруз рисоласи” келтирилади.

Ҳазрат Навоий “Мезон ул-авзон”да ўзидан аввал ушбу илмда асар битган Шамс Қайс, Хожа Наср Тусий, Абдурахмон Жомий каби аруз назариячилари ҳамда бу илмга асос солган Халил Ибн Аҳмад исмини ва унинг арузга оид “Китоб ул-айн” асарини эслаб ўтади. Навоий, шунингдек, Халил Ибн Аҳмад яшаган ҳудуд яқинида Аруз деган водий борлиги ҳақида маълумот беради. Бу водийда араблар қодирдан уйлар тикиб, уларни бекзатиши, уйни эса “байт” деб аташини айтади. Байтнинг мавзун-номавзун (ваззли-вазнсиз) эканлигини аруз фанининг ўлчовига солиб қўришганидек, безатилган уйлар ҳам баҳога солиб ўлчанишини қайд этади. Шу тариқа мазкур илм ушбу водий номи билан “аруз” деб атала бошланган.

Туркий шеъриятнинг аруз тизими тараққиётида Навоийдан кейин Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг хизмати бениҳоя катта. Улуф шоир ўзининг “Аруз рисоласи”да туркий арузнинг назарий ва амалий жиҳатларини



Шухрат ҲАЙИТОВ, филология фанлари доктори, адабиётшунос

қўлгина мисоллар орқали ифодалаб беради. Масалан, Навоий “Мезон ул-авзон”да 19 баҳр, 160 вазн ҳақида маълумот бериб ўтган бўлса, Бобур “Аруз рисоласи”да 272 та вазн борасида сўз юритиб, ҳар бирига фақат туркий шеърят намуналаридан эмас, балки

Самарқандий томонидан ҳижрий 940 йили қўчирилган экан” дейди. Фуад Кўпрулузоданинг ушбу маълумотларини кейинчалик француз шарқшуноси Э.Блоше ҳам 1933 йилда тузган ўз каталогида тасдиқлаган.

Ўзбекистон матбуотида “Аруз рисоласи” қўлёзмаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар Мақсуд Шайхзоданинг “Қўшиқлар ҳақида” мақоласида учрайди. Шайхзода 1964 йили Москвадаги Марказий кутубхонада турк олими Кўпрулузода асарининг “Турк классик адабиётида назм шакллари” бобини кўздан кечираётиб, Бобурнинг Париж миллий кутубхонасида сақланаётган “Аруз рисоласи” асари тавсифини учратади. Бу ҳақда профессор Саидбек Ҳасанов 1981 йилда нашр эттирган “Аруз рисоласи” сўзбошисида ҳам тўхталиб ўтади.

“Аруз рисоласи”нинг Кўпрулузода томонидан топилган Париж қўлёзмаси фотонусхасини Шайхзода маълумотлари асосида навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов ватанимизга олиб келади ва уни биринчилардан бўлиб факсимилесини нашр эттириб, илмий муомалага киритади.

Жадишлик ҳаракатининг машҳур вакилларида, янги ўзбек адабиёти асосчиларидан, забардаст олим Абдурауф Фитратнинг

“Аруз ҳақида” номли асарини ўрганган ва нашрга тайёрлаган олим Ҳамидулла Болтабоев маърифатпарвар Фитрат Навоий ва Бобурнинг арузга бағишланган асарларидан яхши хабардорлигини ва унинг қўлида Бобур рисоласининг нусхаларидан бири бўлганини таъкидлайди.

“Аруз рисоласи”нинг яна бир қўлёзма нусхаси Техрондаги “Голестан саройи” музейида сақланаётгани маълум.

Бобур ўз рисоласида мумтоз форс адабиётининг йирик вакиллари Рудакий, Низомий Ганжавий, Фаридулдин Аттор, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Салмон Савожи, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий асарларидан парчалар берган. Асарда у ўз қаламига мансуб шеърлардан ташқари, Навоий, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Султон Хусайн Мирзо ва бошқаларнинг асарларидан ҳам иқтибослар олади.

Кўпрулузода “Турк тили ва адабиёти хресотматияси”даги “Туюқ” номли яна бир мақоласида асар таҳлилини келтиради. Бобуршоҳнинг турк шеъриятига мансуб тарона, қўшиқ, туюқ (тажниси) ва бошқалар ҳақида мумтоз оҳанг ҳамда шеър тўзлишини қоидаларини қўлаганини айтади.

“АРУЗ РИСОЛАСИ”МИ, “МУФАССАЛ”МИ ЁКИ “МУХТАСАР”?

Рисола тадқиқи борасида олиб борилган ишларда унинг номланиши борасида ҳам турли фикр-мулоҳазалар учрайди. Адабиётларда асосан асар номи уч хил – “Аруз рисоласи”, “Муфассал” ва “Мухтасар” тарзида келади. Қўлёзмами Кўпрулузодадан кейин кўздан кечирган Ризо Нур рисола охирироғиди мухтасар сўзини асар номи деб ўйлайди: “Чун бу мухтасар сафарда баёзга борди, ул муносабат била мусофир масойилини битилди”. Ваҳоланки, бу ерда “мухтасар” сўзи асар номи эмас, балки “Мубаййин” асаридаги 27 байт (54 мисра)дан иборат “Мусофирона намознинг баёни”ни англатади. Адабиётшунос олим ва шоир Мирзо Кенжабек бу асарни “фақатгина “Аруз рисоласи” деб ёки “Муфассал” деб номлаш мумкин. Асарни “Мухтасар” деб аташ эса мутлақо хатодир”, деб ёзади. Дарҳақиқат, бизнингча ҳам асар “Аруз рисоласи” деб номлангани тўғри. Бойси, Бобурнинг ўзи асарни “Аруз” деб атаган. Хусусан: “*Аруз*” *итмомидин икки-уч йил сўнг Хиндистон фатҳининг сўнгаи йили Санбал сарига борур фурсатта бир мутаваал байт ул олти руки билан айтилиб эди*”.

“Аруз рисоласи” Ҳиндистонда форс тилига ҳам таржима қилинган. Бу ишни бобурийлар хонадонига мансуб шоир, олим ва таржимон Афзарий (1760–1819) ҳам насрда, ҳам назмда ўтирган. Ҳозирда таржиманинг иккита қўлёзма нусхаси Ҳиндистондаги фондларда сақланмоқда. Ушбу маълумотда биз учун муҳим нукта шуки, Афзарий асарни “Арузи туркий” деб атаган.

Асар борасида олиб борилган тадқиқотларнинг асосий қисми ўзбек, турк, рус, уйғур ва озарбайжонлик олимлар ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда, “Аруз рисоласи” тадқиқида доир ишларнинг қўламини кенг. Уларни бир тизимга солиб, қиёсий тадқиқ этиш, айрим манбалардаги баъзи чалкашликларни бартараф этиш, айниска, асар қўлёзмаси ва унинг тавсифи, ўрганилиши ва илмий-назарий моҳияти ҳақида асосланган хулосага келиш бугунги кун адабиётшунослик илмининг долзарб масалаларидандир.

МУЛОҲАЗА



ҲАММУАЛЛИФЛИК – ҲАММАНФААТЛИККА АЙЛАНГАНДА

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида собиқ совет тузумини аччиқ сатира ва юмор билан фош қилган машҳур ёзувчилар Илья Ильф ва Евгений Петров ҳаммуаллифликда ёзган “Ун икки стул” ҳамда “Олтин бузоқча” асарларини қўпчилик ўқиган, шу асарлар бўйича яратилган кинофильмларни кўрган. Бу икки ёзувчи ҳам-корликда бошқа асарлар ҳам яратишган. Жаҳон адабиёти тарихида энг омадди “тандем” деб тан олинадиган ёзувчиларга учрашувларда одатда “Икки киши бир асарни қандай ёзасизлар?” деган мазмунда савол берилганда Илья Ильф ҳазил аралаш: “Биримиз ёзган асаримизни чоп қилдириш учун нашриёт излаганимизда иккинчимиз қўлёзмаларни ўғирлаб кетишимасин деб қоровуллаб ўтирамиз”, деб жавоб қайтарган.

Бадиий асарни ҳаммуаллифликда яратишда ҳар икки адибнинг ёзиш услуби бир-бирига мос келиши шарт. Ака-ука Манн ҳамда ака-ука Гриммлар яратган асарларда бунга ақлол қўриш мумкин. Асар гўё “бир қўлдан чиққандек” туюлади.

Бу талаб илмий-техник, тарихий-жуғрофий асарларни биргаликда ёзадиган олимларга ҳам бевосита тааллуқли. Бунда фанинг аниқ бир соҳаси ва тадқиқот манбаси бир бўлиши шарт. Аммо афсуски, ҳозир ёзмоқ бўлганимиз айнан ҳаммуаллифликнинг шу соҳалардаги “ғалати тажриба”лари, тўғрироғи, унинг бошқача турлари ва усуллари тўғрисида.

Тенгқур журналист дўстимиз бир умр ўзи туғилиб ўсган қишлоқ тарихи, одамлари, урф-одатлари тўғрисида маълумотлар йиғди ва ниҳоят уни китоб ҳолига келтирди. Илтимосига кўра китобга бир қур кўз ташлаб, таҳрир қилдим ва уни нашриётга топширса бўлавериси кераклигини айтдим.

Орадан икки йилча ўтган ҳамкасбимиз оғир бетоб бўлиб қолганини эшитиб, ҳолидан хабар олиш учун олдига бордим. У дарддан анча сўлган бўлса-да руҳан тетик эди. Кайфияти, айниқса, босма ҳиди анкиб турган китобига дастхат ёзиб берганида янада кўтарилди. Ҳамкасбимизни “умр китоби” чоп қилингани билан табрикладим-у... Бироқ асар муқовасига кўз ташлаб ҳайратим ошди. Негаки, унинг исм-шарифи ёнида бошқа бир муаллиф номи ҳам тиркалиб турарди.

У ажабланганимни қўриб, номлолж изох берган бўлди: “Китобни ўз ҳисобимдан чоп қилиш учун етарли маблағ тўплаганим, аммо тўсат бу дард ёпишди. Йўқиман даволаниш, дори-дармонга кетди. Китоб нашриётда турганини эшитган шу одам мени йўқлаб келди, чоп қилишга ёрдамлашганини айтди. Эвазига унинг исм-шарифини ҳам қўйишим керак экан. Нима қилай, шу китобни қўриб кетай дедим-да...”

Ҳамкасбимиз ёзган китобга ҳаммуаллиф бўлган одам ҳаваскор қаламкаш эмас, илмий даражаси бор олим экан...

Йигирма беш йиллар олдин пойтахтдаги бир нашриётда тарихий-оммабоп рисолам чоп қилинадиган бўлди. Нашриёт бош муҳаррири атай воҳага нашр масаласида келди. Ёнидаги ҳамроҳини “тиббиётга доир илмий асарлар чоп қилинадиган нашриёт муҳаррири”, деб таништирди. Ҳамроҳи вилоятда тиббиёт соҳасида илмий даражали раҳбар ходимлардан танишим бор-йўқлигини суриштирди. Тиббиёт фанлари доктори илмий даражали бир танишим ўша вақтда каттагина вазифада ишларди. Нашриёт муҳаррирининг илтимосига кўра ўша танишим ёнига олиб бордим ва ажабтовур суҳбат гувоҳи бўлдим. Муҳаррир нашриётларида чоп қилиниши режалаштирилган рисола, монографияларнинг рўйхатини танишимнинг олдига қўйди. У эса рўйхатни кўздан кечирар экан “Мана бу монография нархи қанча, бунисига қанча бериш керак?” деб савдолашшига тушди. “Бозор иқтисодиёти” савдосига ҳайрат билан тикилиб ўтирдим. Ўша танишим рўйхатдаги тўртта китобга ҳаммуаллиф бўлишга розилик берди – икки ўртада савдо пишди. Ҳар бир китобга ҳаммуаллиф сифатида исм-шарифини қўйиш баҳоси айтилди. Қиймат ўртача 4-5 минг АҚШ доллари миқдориди эди...

Раҳбар олдида чиққач, муҳаррир ўзини оқлаган бўлди: “Бизники ҳам тиркичилик. Бу рўйхатдаги монография ёки рисоламни нашриётга топширган ёш олимларнинг уни чоп қилишга маблағи йўқ. Шунинг учун ўзларига ҳаммуаллиф топишни бизларга топширишган. Бундан икки томон ҳам манфаатдор – китоб чиқади, нашриётнинг қозони қайнайди. Бошқа йўли йўқ-да!”

Ўзи ёзмаган ва ҳатто соҳасига алоқаси бўлмаган рисола ёки монографияга исм-шарифини тақанган фан доктори бундан қандай манфаат кўради, дерсиз? Унга профессор илмий даражасини олиши учун қанчаям ҳажмдаги илмий ишлари чоп қилиниши керак бўларкан. Кейин “Фалон китоб ёзганман”, деб минбарларда мактаниб ҳам юради.

Айрим илмий рисола, монографияларда икки, уч ва ҳатто тўрт кишининг исм-шарифи муаллиф сифатида келтирилиши ортда қўпичча шунга ўхшаган “икки томонлама манфаатдорлик” йўқимикан деган шубҳага бораверасиз.

Иқтидорли тарихчи инимиз умрининг аксар қисмини архивларда ўтказишга одатланган. Чанг босган ҳужжатларни кўтариш орқали у ўтган асрнинг

ўттизинчи йиллар қатағони қурбонлари ҳақида қўплаб мақолалар ёзди, рисола ва китоблар чиқарди. Айнан шу мавзудаги сўнгги китоби муқовасида муаллифлар қатори бегона бир исм-шариф қўққайиб турганини қўриб: “Ҳа, тадқиқотлар чарчатдимми?” деб ҳазиллашдим. У саволим моҳиятини тушунди ва изох берди: “Ҳозир китобни ўз ҳисобингдан чиқариш осон, аммо уни сотиш, ҳеч бўлмаса сарфланган маблағнинг бир қисмини қайтариб олиш қийин. Бу одам китобни сотишни ўз зиммасига олди. Қўп меҳнатим сингган тарихий китобни қўпроқ одам ўқисин дедим-да...”

Бундан ҳам ачинарли бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. Хоразмлик жади́дларнинг маърифат соҳасида амалга оширган ишларидан ҳикоя қилувчи тарихий рисолага бир эмас, тўрт нафар муаллифнинг номи терилган. Улардан бири қайсидир туманда каттагина вазифада ишларкан. Тушундиргиз – ўша амалдор китобни тарқатиш (сотишни) ўз зиммасига олган.

Тўғри, айнан бир соҳада тадқиқот олиб бораётган, изланишлари муштарак олимларнинг биргаликда асар ёзишлари табиий ҳол. Илмий адабиётда бадиий услуб эмас, тадқиқот мазмун-моҳиятини қай йўсинда ўқувчиларга етказиш муҳим. Мабодо асар ўқув қўлланмаси бўлса, унда бир нечта муаллиф номи келтирилишини тушуниш мумкин. Бу ҳолатда китоб бошламасида қайси олим қайси бобларни ёзгани, албатта, эслатилади.

Бир пайтлар воҳа таъбати ҳақида рисола ёзгандим. Анча маълумотларни шу соҳага қизиқадиган бир зиёлидан олганман. Эвазига китобга ўзининг номи муаллиф сифатида қўйишимни сўраган. Кекса кишининг илтимосини рад қилолмадим, қолаверса, рисола дунёга келишида унинг хизматлари оз эмас эди.

Китоб қўлимга текканида эса... ҳайратга тушдим. Муқовасида учинчи бировнинг номи ҳам турарди. Яна денг, алифбо қоидаларига биноан менинг исм-шарифим энг охирида – учинчи ҳаммуаллиф сифатида қўйилган.

Китобга тасодиқ ҳаммуаллиф бўлган йигит нашриёт бош муҳаррирининг ўғли экан. У номзодлик илмий иши устида ишлаётган, ёқлаш жараёнида чоп қилинган мақолалари қаторида шу рисола каттагина тош босиши мумкинлигини бош муҳаррир айтиб, ўзича тушунтирган бўлди. Уэр сўраш қайда?

Ўша бош муҳаррирининг менга ҳаммуаллиф бўлган ўғли ҳозирда катта олим. (Энг қизиги, у инсон билан ҳаётда бирор марта учрашмадиқ).

Айнан илмий асарларда “устоз-шогирд” олимларнинг ҳаммуаллиф бўлишлари одатий ҳолга айланган. Қичиқроқ рисола ёки салмоқли монографияни бу “тандем”да заҳматқаш шогирд ёзиши кундек аён. “Устоз” қўли билан унга маслаҳатчи бўлиши мумкин. Энг ёмони, қўпичча китобни ёзган шогирднинг исми-шарифи иккинчи муаллиф сифатида келтирилади. Бунинг устига, айримлар “Фалонки олим ёзган асарига шогирдининг номини ҳам қўшиб, унга мурувват кўрсатибди”, дейишади.

Шу ўринда ушбу мулоҳазамиз барча “тандем”чиларга тегиб кетмаслиғи учун бир мисол келтирамиз. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида илк бора олийгоҳ талабалари учун ўзбек тилида “Органик кимё асослари” ўқув қўлланмаси яратилган. Бу қўлланмани устоз-шогирд – Саъдулла Искандаров ва Бобохон Содиков қай тарзда ёзишганини ўзларидан эшитганман – дарслик дунёга келиши учун ўн йил вақт сарфланган. Академик устоз ва профессор шогирд яратган бу асар ҳали-ҳамон талабалар учун муҳим дарслик сифатида эътироф этилиб, қайта ва қайта чоп қилинмоқда...

Хусусий нашриёти бор ҳамкасбим қизик гап айтиб қолди: “Ҳозир нима қўп – университет кўп. Айниқса, хусусий ўқув даргоҳлари йил сайин қўпаймоқда. Ўша ўқув даргоҳларининг ўқитувчи-олимлари ўзлари ёзган монографияларни чоп эттириш учун қўп муурожаат қилишади. Икки юз-икки юз эллик нарақлик монографияда қўпичча уч-тўрт кишининг номи муаллиф сифатида кўрсатилади. Афсусланарли томони, бу монографиялар адади ўзс донадан ошмайди. Ҳатто “ўқув қўлланмаси” деган эслатма борлари ҳам шу ададга яқин бўлади. Ахир ўқув қўлланмаси катта миқдорда чоп қилиниб, ундан талабалар ўй-жараёнларида танишишлари керак эмасми? Ўй-жараён ададли монография уларга “фалон босма табоқ илмий ишлари чоп қилинди”, деган кўрсаткич учунгина лозим экан. Илмий тадқиқот аталадиган рисоалар тақдирини ҳам шундай. Санокли нусхаси тегишли ташкилотларга тақдим қилинади, холос. Мана бугунги “фидойи, изланувчан олимлар”нинг аҳволи.

Ушбу мақолани “мажбурий тандем”лик бошидан кечган, бир эмас, бешта китобни шу йўсин ҳаммуаллифликда чоп қилиш мажбуриятида қолган бир қаламшак сифатида қораладим.

Мақола бошида келтирилган машҳур сатирик ёзувчилар Илья Ильф ҳамда Евгений Петровга ҳозирги замон ўқувчиси биргаликда қандай асар ёзишлари ҳақида савол берганида жавоби қўйидагича бўларди: “Биримиз кечаю кундуз китоб ёзамиз, иккинчимиз эса китобни чоп қилишга маблағ берадиган учинчи ва тўртинчи ҳаммуаллифларни топиш учун изғиймиз”.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси



Худонинг ёрлакаган кунларидан бирида, ҳамал ойи эди, кешлик Шайх Шамсиддин Кулор муриди Муҳаммад Тарағай хонадониде меҳмон бўлгани Хўжа Илғор қишлоғига йўл олди. Шаҳарда зериккан шайхда бир кенгликларга чиқиб, кунчиқишда ястаниб ётган Ҳисор тоғларини, Хўжа Илғор қишлоғи манзараларини, яшилликка бурканган далаларни томоша қилиш, мусаффо ҳаволардан нафас олиш иштиёқи кучли эди.

Очиқ чехралли, қўй кўзлари ҳамиша табасум билан ийланган, кўринишидан бақувват, қаддини тик тутиб юрадиган, қуюқ қора қошли, чиройли қалин соқолига ҳали оқ ораламаган, қирқ ёшлардаги чақноқ кўзли Шайх Шамсиддин Кулор Мовароуннахрга номи кенг ёйилган замона алломаси эди. У ўзини олам, борлиқ ҳамиша нур билан йўғрилган, олам порлоқлиги дилнинг мунавварлигидир, деган таълимотга асос солган машҳур каромат соҳиби Шаҳобиддин Яҳё ас-Суҳравардийнинг – Аллоҳ азиз руҳини муқаддас этсун, – шогирди ҳисобларди.

Шайх Хўжа Илғор ота қабристониде дафн этилган табарруқ зот Хўжа Муҳаммад ибн ал-Қосим мазорини зиярат айлалди. Бошқа азиз-авлиёларга ҳам дуолар ўқиб, руҳларини шод этади.

Соғиниб қолган муриди билан учрашишни ўйлаб ҳозирданоқ дилида ҳузурлар туяди. Негадир айна бугун шу ниятни амалга ошироққа киришди. Худо дилга солди. Уйда утиролмади. “Аллоҳнинг ўзи ҳакам”, деб қўйди ўзига ўзи. У доим шу иборани такрорлаб юарди. Аллоҳ дилга солдими – уни адо этмоқ керак. Дарҳол шогирди Шахсувор мунажжimini ҳузурига чорлатди.

Шахсувор мунажжим кўп куттирмади, дарров етиб келди. У асли кешлик, тез-тез гапирадиган, суҳбати ширин, кенг мулоҳаза юритадиган ўттизлардаги ўртача бўй йигит бўлиб, шира соқол-мўйлаби ўзига ярашиб турар, болалигидан илми нукумга қизиқар, юлдузларни ўрганар, баъзан тўғри чиқиб қолган башоратлари билан одамларнинг олқишига сазовор ҳам бўларди.

Шайхнинг муриди йигирма беш ёшли Муҳаммад Тарағай даставвал мўғул қўшинларида саркарда-амирлик қилди, бироқ мўғулларнинг элга қаттиқ зулм қилганларини кўриб, иззат нафси лат еди, ҳарбий ишлардан кўнгли совиб кетди ва тамоман бошқа томонга – ислом маърифатига юз бурди. У Ҳақнинг севар бундаларини севар, кичик феъл, ҳаракатчан, ўзини вазмин тутар, ёш эканига қарамай, табиатан уламо ва сулаҳо муттақий мўъминларга меҳрибону мушфиқ бўлганидан, Хўжа Илғор қишлоғининг кадхудо-улуғлари қаторидан жой олиб улгурди. Ҳарбу жоҳ ҳавасларидан узокроқда умр кечирини хуш кўрди.

Мусулмони комил амирни музофотда ҳамма ҳурмат қилар, йиғинлар амирсиз ўтмасди. Шайх доим элга ҳамдардлик оли қайишадиган, катта-кичикни тенг кўрадиган ақибатли муриди билан ичиде фахрланиб юарди.

Муриднинг каттағина ҳовлиси гузардан унча узок эмас... Гузар ҳамиша одам билан гавжум, ўнг томонда эллик йиллар аввал Муҳаммад Тарағайнинг отаси Амир Бурқул томонидан қурилган масжид савлат тўкиб турарди. Ёнидаги баланд минорадан ҳар намоз олтидан дароз бўйли, озгиндан келган муаззин, бир кўзи ожиз Нормулла сўфининг овози янграганда, ўктам азон каломлари атрофга таралар, Совуқбулоқ, Қорасув, Тезоб, Жавағли, Қайрасопли, Қасноқли қишлоқларига ҳам етиб борарди.

– Боқоларимиз ёруғ ёзларда кенг яйловларда эмин-эркин яшашга ўргангонлар, бу чорвага ҳам қўлайдур, қорли қишларни эса қишлоқларда ўтказгонлар. “Қишлоқ” – қишда яшайдиган жой маъносиде келади. Айна шу жиҳат халқни ўтроқ яшашга ўргатадур ҳам, – деди Шайх от жиловини хиёл тортиб.

Улар қишлоқнинг катта кўчасига бурилди. Шомга ҳали бир муддат бор... Чапда ҳам, ўнгда ҳам уйлардан тутун чиқиб турар, пиширилаётган ёқимли овқатлар, доғ қилинаётган пиезлар ҳиди димоққа урилларди. Кўнгилга яқин манзаралар... Қайтган подадан кўтарилган чап мағриб шафғида гира-шира кўринди. Қишлоқ чорвамолини боққан чўпон ашагини етаклаб, “оши ҳалол” йигиб юрибди, ҳар уйнинг олдида келганда: “Оша-а-лол!” дейишдан чарчамайди.

Йўл кунчиқишдан кунботишга қараб чўзилган, шарқда, йирокларда Ҳисор тоғлари оқариб кўзга ташланарди. Мағрибда эса айна шу ерлардан Турон пасттекислиги башланади, замин шимолга қараб эниб боради. Шайх мунажжимга йўл-йўлақай Туркистон тарихидан, хонлар ҳаётидан кўп нарсаларни сўзлаб берди. Бари Шахсувор мунажжим учун қизиқ эди...

– Хўжа Илғор қишлоғи тарихидан ҳам сўзласунлар... – илтимос қилди Шахсувор мунажжим, йўлга қараб кўяр экан. – Жуда кўҳна қишлоқми, дейман.

– Ҳа, кўҳна қишлоқ, – деди Шайх от жиловини сал тортиб. – Аввал кичкина қишлоқча бўлгон. Шарқи ва жануби то Қарши шахригача турли ҳайвону маҳлуқларга тўла кенг бийдай чўлдан иборат эди. Муҳаммад Тарағайнинг учинчи бобоси Амир Илангиз барлосларни ияртиб келгондан кейин одамлар кўпайиб, Хўжа Илғор қишлоғи каттариб кетди.

Шахсувор мунажжим бош тебратганча индамай тинглаб борарди. Улар гурун билан бўлиб, гузарга етиб келишди. Гузардаги майдонда қийдириқ овозлари эшитилар, бир тўп одамлар, оломон давра қуриб ниманидир томоша қиларди.

Баҳорнинг илк ойи ҳамалнинг ярми, ҳаво

илиқ, ёзнинг иси келиб қолган.

Шу пайт кимдир оломон ичидан сирғалиб чиқиб, Шайхлар томонга кела бошлади. Бу ҳелвагай оқ чопонга уралган келишган йигит Муҳаммад Тарағай эди. Нур таратиб турган хиёл чўзинчоқ оқ юзи, кенг пешонаси, ўзига ярашган чарақлаган катта-катта кўзлари дарҳол киши эътиборини тортарди.

– Ие! Ие! Ана холос... Бизнинг кўчадан кўёш чиқибди-ку! Хуш келибдурлар, пирим! – Муҳаммад Тарағай шундай дер экан, Шайх Шамсиддин Кулор тўни этагини ўпиб мамнун, кўзларига суртди. – Бундоқ қарасам, пирим келибдурлар... Қадамларига ҳасанот-е!

– Хушвақт бўлсунлар, амирим! – Шайхнинг юзлари ёришиб, қўй кўзларига ёш келди. – Хушвақт бўлсунлар!

– Э, юлдузчи ҳам шу ердалар-ку! – мунажжим билан илиқ кўришди Муҳаммад Тарағай.

Муҳаммад Тарағай ҳовлиси кенг-мўлгина эди, уни бобоси Илангиз-нўён қўрганди, отаси Амир Бурқул ҳовлини иккига бўлиб, ярмига алоҳида дарвоза тиклади ва хотин-халаж истиқомат қиладиган ичкари ҳовлига айлантирди, ташқари ҳовли, ичкари ҳовли пайдо бўлди. Ўша пайтлар



Тарихий қиссадан парча

Муҳаммад Тарағай беш ёшда эди. Кўчадан алоҳида эшик билан кириладиган отхона чап томонда ҳозир ҳам бор.

Хизматкор отларни отхонага боғлади. Шайх билан мунажжимни ташқи ҳовлидаги заррин эшикли мухташам меҳмонхонага бошлади.

Меҳмонлар қиш кетган бўлса ҳам, ҳали йиғиштириб олинмаган сандал атрофидеги қизил гуллари бўртиб чиққан якандозларга тиз чўқдилар.

Шайх Шамсиддин Кулор ўрик чўғи гупириб турган иссиқ сандалга оёғини узатди-да, ўтган улуглар шаънига, уч ойгина аввал дунёдан кўз юмган Муҳаммад Тарағайнинг падари бузруквор Амир Бурқул руҳига бағишлаб тиловат қилди. Ҳамма дуога қўл кўтарди.

– Кешлар тинчми? – ҳол-аҳвол сўрашга ўтди Муҳаммад Тарағай.

– Аллоҳга шуқр, тинч. Ўзининг ҳифзу ҳимоясидадурбиз...

– Сафардан қачон қайтдилар? – Шахсувор мунажжимга қаради Муҳаммад Тарағай.

Мунажжим енгил йўталиб олди-да, деди:

– Уч ойча аввал.

– Сафарингиз қабул бўлсун!

– Муродингиз ҳосил бўлсун! – миннатдорлик билдирди Шахсувор мунажжим.

– Жуда аҳволий инсон эдилар-да. Худо раҳматига олгон бўлсун, Аллоҳнинг ўзи ҳакам... Айна шу ҳовлида Амир Бурқул жаноблари бирлан кечган суҳбатлардан ҳазорчанд баҳраманд бўлгонбиз, гурунлар қилгонбиз, насиб этмиш эрди... Амир Бурқул Хўжа Илғорда масжид қуришга киришдилар... Мана шу Аллоҳнинг уйида, ул зот бирлан қўл жума намозларини эш-кўш бўлиб ўқигонбиз...

Суҳбат тобора қуюқлашиб борарди. Шахсувор мунажжим сўзларга қўшилмай ўтирарди. Шайх бундай дилтортар суҳбат мудом давом этишига, ҳеч қачон охири бўлмаслигига ишора қилиб, пири Суҳравардийнинг порлаш, мунавварлик ҳақидаги таълимотини эслади:

– Нур кескисдир, зеро, охири йўқдир, – деди мамнун ҳолда.

Хуфтон намозини ўринлатишгач, шу пайтагача индамай ўтирган Шахсувор мунажжим сўзга оғиз очди:

– Шайх ҳазратлари! Ҳаво мусаффо, тоза ҳаволардан нафас олайлик, бир кўларга боқайлик, осмон сайрига чиқайлик. Осмон ҳам мўъжиза.

Ҳар куни юлдузли осмонни кузатиш мунажжимнинг одати эди.

Таклиф маъқул келди. Катта кўчага чиқдилар. Қишлоқ тун ёстиғига бош кўярди. Тезоб томон-

да итнинг ўқтин-ўқтин ҳуриши жимликни бузиб турарди. Шайх, мунажжим ва амир кунчиқишга қараб боришар экан, борлиқни зулмат қоплаганини кўрдилар. Тоғ томондан кишининг баҳри-дилини очадиган ёқимли тун шабадаси эсарди. Осмон ёруғ, чаман-чотир юлдузларга тўла. Бағоят чароғон осмоннинг худди қўл чўзсанг етадигандай яқинлиги Шахсувор мунажжимни ҳайратга солди.

Хўжа Илғорда ростдан ҳам осмон яқин эди. Негадир мунажжим наздида бугун осмон ўзига ўхшамасди, унда ҳам қандайдир яширин сир бордай туюларди... Дунёнинг бор юлдузлари йиғилиб келган чамаси. Ана Нохид, Сурайё, Баҳром, Миррих, Сухо, Муштарий, Зухал (уни Кайвон ҳам дейишади) юлдузлари. Яна қанчалари... Ҳатто мағриб ёқда доим уфқ четида қисиниб юрадиган (кечагина кўрганди) ёруғ юлдуз ҳам бугун телага келиб қолибди. Эсида, бундай манзарани бир бор Мароғода кўрган эди.

– Теламизда осмон турса ҳам, қарайвермай-миз-да, – деди Шайх. – Чаманзорни кўрингиз! Вой-баёв... Тумонот юлдуз-а! Бир бошимизда шунча сир...

– Ҳа... Ҳаммаси сирли. Ҳақ сўзни дедилар,

эсишда давом этарди.

Ногаҳон Шахсувор мунажжимнинг титроқ овози эшитилди:

– Ана! Юлдуз учди!

Гўё мунажжим шуни кутиб турарди. Ҳамма осмонга қаради. Ғарб томондан учиб чиққан юлдуз нурли ёй ҳосил қилиб бир неча лаҳзадан сўнг сўнди.

Муҳаммад Тарағай алланечук бўлди, аммо ҳеч нарсани тушунмади. Шахсувор мунажжим эса ўзида қандайдир ўзгариш сеза бошлади, худди қутилмаган воқеа юз берадигандек... Одатда, у бирон нарсани башорат қилмоқчи бўлса, шундай ҳолга дуч келарди.

Қутилмаганда... кунчиқиш томонда уфқ тағида кичик бир юлдуз ярқ этиб кўринди. Юлдуз аста-секин кўтарилди, осмон тоқига қараб интилди. У оламни ёритмоқчи эдим... Кўтарилган сари катталашар, нурлари қуюқлашарди. Аммо ярим йўлда манзилга етмай... ёғи тугаган қорачироқдай ўчди.

Бу ғалати ҳодиса эди. Лаҳзалар ўтиб-ўтмай, жануб томондан яна бир юлдуз нишона берди, у ҳам жимир-жимир қилиб йириклаша бошла-



ди. Аввалги юлдуздан сал баландроққа чиқди. Аммо бирдан сўнди...

Уфқда тўртинчи юлдуз жилвалар намоён қила бошлади. Унинг милтираб нур сочиб туриши бағоят ёқимли... У ҳам қўк тоқига қараб борарди. Бироқ, етолмай... сўнди.

Шу палла кунботишдан ва кунчиқишдан икки юлдуз баробар қўк тоқига отилди. Аммо ярим йўлда сўндилар.

Шайх Шамсиддин Кулор ҳам, Муҳаммад Тарағай ҳам юлдузлар сеҳрига мафтун бўлиб қолган эди. Воқеанинг сирли юз бераётгани сабабини ҳеч ким билмасди. Энди қайқдан юлдуз чикаркин, дея осмонга аланглашарди.

Туйқусдан Муҳаммад Тарағайнинг тафаккури ёришгандай бўлди! У эслади: унинг саккизинчи бобоси Қочувли баҳодир худди шундай туш кўрган, қўйнидан бир юлдуз учиб чиққан ва сўнган экан. Бундай ҳол етти марта такрорланибди. Саккизинчисиде катта юлдуз балқибди. У бутун оламга нур таратибди! Ундан бир неча юлдузлар отилиб, намоён бўлибди ва ҳар бири бир ўлкани ёритар эмш...

Қочувли баҳодир дарҳол отаси Туманохон қошига йўл олибди. Чунки отаси тушларни аниқ ва равшан таъбирлай оладиган валий инсон сифатида машҳур экан.

– Ҳикматли туш кўрибсен, ўғлим! – мамнун дебди Туманохон. – Баски, менинг наслимдан етти авлод бирин-кетин дунёга келиб, кам-кам подшоҳлик қилиб ўтурлар. Аммо саккизинчи марта, яъни бу юлдуз юлдуз балқиганда, наслимиздан кимдир жаҳонгирлик тўғини баланд кўтаргай, кўп мамлакатларга подшоҳ бўлгай!

БМабодо, мана бу юлдуз училларининг ўша тушга алоқаси йўқмикин? Муҳаммад Тарағай ўйга чўмди.

Яна бир жиҳати ҳам ғалати: Муҳаммад Тарағай еттинчи авлод ҳисобланади. Кейинги авлод – саккизинчи-ку! Ажабо...

Юлдузлар томоша кўрсатишда давом этарди. Шу палла Шахсувор мунажжим фавқулодда жазавада қалтирай бошлади. Муҳаммад Тарағай унга қараб ҳол сўрамоқچиди, улгурмади, бирдан... саҳна ўртасидан саккизинчи юлдуз отилиб чиқди!

Юлдузнинг милт-милт қилиши, ёрқин жимирлаши осмонга жуда ҳам ярашиб турарди. У аста-секин катталашди, тобора нурлари тиниқлашди ва ниҳоят, порлоқ юлдуз осмон тоқини забт этди! Унинг ёл-ёруғ нурларига кўзлар чидамасди. Нур юлдуздан тошиб чиқиб оламни ёритиб юборди!

Шайх Шамсиддин Кулор ҳам, Муҳаммад Тарағай ҳам бошқа оламларга бориб қолгандай сезишарди ўзларини. Бир кечада шунча юлдузнинг ажабтовур училларини ҳали кўришмаганди.



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Нима бўляпти ўзи?..

Улар ҳайратдан лол эдилар. Ёки Муҳаммад Тарағай Қочувли баҳодирга ўхшаб туш кўраётми экан? Бу тушми, ўнгми?... Аллоҳим! Бандаларингни ўзинг кечти!..

Шахсувор мунажжим қўлларини осмонга қўтариб, ўз-ўзидан, овозини қўйиб башорат қилишга тушди:

– Осмон ёритқилларининг ҳолати замонанинг саодатли кунларга юз бурганидан далолат бермоқда. Парвардигори оламнинг карами бирлан айна шу толебахш соатларда осмону фалақда Муштарий ва Миррих юлдузлари бир-бирига дуч келиб турибдурлар. – Осмонга тикилиб турган мунажжимнинг овози бирдан баландлашди. – Ана, ана! Ҳов анови, икки йирик юлдузни кўраётирмусиз? Бас, алар бахт-толе юлдузи Муштарий ила куч-қувват ва шижоат тимсоли Миррихдур! Бу юлдузлар юз йилда бир дуч келурлар. Пурмаёно муржикмад китобларда донишмандлар қайд этгандурларким, шул кунларда дунёга кўз очган ўғил, қирон соҳиби, саодатманд фарзанд, яъни Соҳибқирон бўлгай, жаҳонгир бўлгай! Зеро, Соҳибқироннинг толеи хосиятли Жадий буржиге тушди. Кимки шу бурждаги толеида туғилса, ҳамма султонларга сарвар бўлгай, ҳар неким мурод қилгай, мақсадига етгай. Юлдузлар ҳаракати ана шундан мумжа берур... Яна Аллоҳ билгувчидур! Ақли қосирим дерки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари ҳам Соҳибқирон эрурлар, Муштарий ва Миррих сайёралари учрашган лаҳзаларда дунёга кўз очганлар. Мароғаддаги мажлисда табарруқ устозлардан эшитган эдим...

Мунажжимнинг башоратомуз сўзлари ҳаммани эпителиб қўйди.

Шайх Шамсиддин Кулор фавқулодда ҳайратга тушди. У юлдузларнинг бунчалар ўйин кўрсатиши бежиз эмаслигини, Ҳақнинг олам қандайдир мўъжиза белгиларини намоён этаётганини ички шуур билан ҳис қиларди...

Муҳаммад Тарағайни ҳам қаттиқ ҳаяжон қулғади. Миясиде бир нарса ярқ этди! Ахир, унинг жуфти ҳалолли, ёш келинчак Тегина Хотуннинг ой-кўни етиб турибди, иншааллоҳ, ўғил бўлгай. Кеча-кундуз Парвардигордан тилаб келади. Шайх ҳам ўз муриддини ҳамиша: “Худо ўғилидан берсун!” деб дуо қиладди.

Биринчи фарзандлари Қутлуг Турконга қили бўлганида Тегина Хотунда унчалар ўзгариш сезилмаган. Туғруқ ҳам осон кечган. Бу сафар у иккихатлиқни анча оғир кечирмақда, дам-бадам ихтилоаси бўғилиб қолади, ҳеч нарса тиламайди, тилаган нарсасини олиб келсанг, таъби ўзгариб, кўнгли тортмай нари суради, юзлари ва лаблари шимшиқираб кетгандай. Барида қандайдир хислат бор.

Кечанинг икки уйқу палласи ўтиб қолди. Бир-бирини соғинишиб қолган муридди ва мурид гурунги қизиб кетди, охири йўқдай...

Вақт алламаҳал бўлди. Ниҳоят Муҳаммад Тарағай меҳмонларни жойлаб, ҳовлига чиқди. Ҳеч уйкуси келмасди. Айланиб, ҳовли четидаги катта қудуқ ёнига бориб тиз чўқди. Хийла ўтирди. Ичи сирга тўлиб кетган эди. Қудуқдаги сувга сирини айтмоқчи бўлдим... Бироздан кейин туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин осмонга қаради.

Ҳали мўъжизалар давом этарди. Парвардигорнинг осмони хотиржам эди, Машриқ ҳам тинч, Мағриб ҳам... Осмон юлдузларга лиқ тўлган, фалақ ҳазридан янги боланинг келгани, ҳатто уфқ тағларигача ҳамма ёқни юлдуз босиб кетибди, биронта бўш жой йўқ...

Ҳайрати ошган Муҳаммад Тарағай кўкдан кўз олмасди. У Ҳулкар юлдузини топди, юлдуз осойишта ва хотиржам эди. Хаёлан олтинчи ва еттинчи юлдузларни бирлаштириб, чизиқ тортиди... Ҳали Олтин қозиққа бормоқчи эди, лекин бошқа гапларга чалғиб кетди. Энди шошилмай чизиқ бўйлаб Олтин қозиқ юлдузига қараб бора бошлади. Масофа хийла бор эди, юраверди, юраверди, юраверди...

Ниҳоят, юлдузга етди! Етиб қадам ҳам қўйган эдики... бирдан ичкари ҳовлидан қақалоқнинг оламларга ларза солгандай... “Инга-а-а!...” “Инга-а-а!...” деган сал йўғнроқ овози эшитилди.

Муҳаммад Тарағайнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетгандай бўлди. Бемисл шодлик-қувончдан маст, ўзини қўйгани жой тополмай, беихтиёр кўчага чиқиб кетди. Юзларидан кўз ёшлари оқарди. “Ўғил туғилди! Овоз – ўғил боланики! Энди унинг ўғли бор!...”



Бошланиши 1-саҳифада.

“Жамият” эса одамлар уюшмасини, яъни кўпчиликни билдиреди. Шунинг учун инсон – ҳам биологик, ҳам ижтимоий мавжудот. Ҳар бир шахс – жамият аъзоси. Жамият – ғоят мураккаб ижтимоий тизим. У одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳоказо муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, жамоа, миллат, дин, давлат, ахлоқ ва ҳоказоларнинг мажмуаси ҳисобланади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини муҳим, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш ҳам бирдай хато. Чунки жамиятда юқорида саналган соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи қанча юқори бўлса, тараққиёт учун шунча кенг йўл очилади.

Жамият деганда, асосан, бир мамлакат халқи тушунилади.

Демократик жамият бозор муносабатлари воситасида бошқарилади. Давлат иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Бунда ижтимоий рақобат, манфаатдорлик иқтисодий ривожланишнинг муҳим қонуният сифатида амал қилади. Демократик давлат жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттириш ҳақида ғамхўрлик қилади. Давлат жамият маънавиятининг ҳомиysi сифатида таълим-тарбия соҳасида туб ислохотларни амалга оширади.

Жамият тараққиётини ҳуқуқий давлатсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Давлат қонунларни ҳаёт эҳтиёжларига мослаш, тинимсиз такомиллаштириб бориш орқали фуқароларнинг ўз ақли, иқтидори, салоҳиятини янада унумлироқ намоён этиш имкониятларини яратиш беради.

Ҳар қандай тараққиёт учун объектив ва субъектив омиллар уйғунлиги юз бериши керак.

Навоий замонасида Хуросон давлатининг подшоҳи Ҳусайн Мирзо Хоразми ривожлантириш мақсадида Ҳиротдан уч минг хонадонни кўчириб олиб беради. Навоийга у “муқарраби шохий” унвонини берган эди. Бу унвоннинг имтиёзи шу эдики, у ҳукмдорга бир масала юзасидан тўққиз мартагача мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эди. Улуғ шоир ва мутафаккир шунча хонадоннинг ватанидан беватан қилинишига бир неча қарра қарши туради. Охири бир минг хонадон кўчирилади. Бу нима сиёсат эди? Бу маълум маънода иқтисодий санация сиёсати эди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Фарғона водийси вилоятларидан деҳқончилик маданияти юқори бир қисм аҳоли Сурхондарё вилоятига мажбуран кўчирилган. Ёки бир завод курамир-у, ишчиларини бошқа давлатдан олиб келамиз. Ёки Вобкент туманидаги кўп кафеларнинг ошпазлари, айниқса, кабобпазлари айнан Ғиждувон туманидан келиб ишлайди.

Бугун Тошкент жуда катта меҳнат бозорига айланган. Камина бу ерда мамлакатимизнинг қайси минтақа аҳолиси қандай соҳаларда кўпроқ ишлаётганини айтмайман. Биринчидан, ҳар қанча ҳақиқат бўлмасин, кимларгадир шу статистика ёки фактнинг ўзи ёқмайди, иккинчидан, ўқитувчи билан тингловчи ўртасида ноўрин ва кераксиз баҳс бошланиб кетиши мумкин. Лекин бугун, масалан, Бухоро вилояти фермерлари етиштирган ўрикларини дарахт-дарахт

ҳисоблаб, Фарғона водийсидан келган оилаларга сотаётгани, улар бир ой-икки ой шу ерда яшаб, ўрикларни териб, бозорбоп қилиб қуришиб, қоқи қилиб олиб кетаётгани факт. Нега? Фарғона водийсида шу меҳнат тури ривожланган.

Яна бир кўз юмиб бўлмас статистикани келтираман. Ҳар йили битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши мамлакатимиз туман ва шаҳарлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади. 200 га яқин туман ва шаҳардан дастлабки 20 ўринни эгаллагани эълон ҳам қилинади. Шу 20 танин 7 тасини – Бухоро, 3 тасини Навоий вилояти эгаллайди. Демак, ўқиш бўйича илғор туман ва шаҳарларнинг тенг ярми шу икки вилоят ҳудудига тўғри келяпти.

да тарбияланган болаларнинг олий таълим тизимида ўқишга киришга қизиқиши кўпроқ бўлади.

Шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигига эришиш ҳеч бир замон ва маконда ҳам осон кечмайди. Хўш, шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини қайси мезонлар асосида белгилаймиз? Албатта, қонун асосида. Қонуннинг энг асосийси эса – Конституция. Конституцияни билмай туриб шахс ва жамият муносабатлари моҳиятига асло етиб бўлмайди.

Янгиланган Конституциямизнинг 10 та моддасида инсон қадрин билан боғлиқ “қадр”, “қадр-қиммат”, “қадрият”, “миллий ва умуминсоний қадриятлар”, “оилавий қадриятлар” тушунчалари учрайди.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ЖАМИЯТ:

ДИАЛЕКТИК БИРЛИК ЗАРУРАТИ



Камина туғилиб ўсган Вобкент тумани бу санокда 10-ўринни эгаллаган.

Абдурауф Фитрат XX аср бошида Бухорода 33 та олий, 39 та ўрта ва 100 дан ортқ қуйи тоифадаги мадраса бўлганини ёзади. Марказий Осиёнинг бошқа бирор шаҳрида бунча кўп мадраса бўлмаган. Кейин бу ерда мадрасалар асрлар мобайнида фаоллиги олиб борган. Совет давлати янги мактаблар очганда Бухоро ва унинг атрофларида мадраса кўрганлар, мадраса кўрганлардан таълим олганлар муаллимлик қилди. Мана, бир асрдан ошяптики, бу ҳудудда шу қадим илмнинг таъсири сезилиб турибди. Бу – биринчи омил. Иккинчи омил шуки, Бухоро қадимдан арабий-форсий-туркий тамаддунлар уйғунлашган (синтезлашган) макон ҳисобланган. Тамаддунлар уйғунлашганда тараққиёт тезлашади.

Хўш, ўқиш учун объектив имкониятлар пойтахтда энг кўп эмасми? Йўқ-да. Тошкент шаҳрида олий маълумот олмай туриб ҳам иш топиш, яхши яшаб кетиш мумкин-да. Тошкент шаҳридан бу йигирматаликка биргина Мирзо Улуғбек тумани кирган, холос. Нега айнан шу туман? Чунки бу ерда Академия шаҳарчаси бор. Кўп-кўп олимлар оилалари истикомат қилади. Табиийки, улар-

13-модда шундай жаранглайди: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Демак, инсон қадр-қиммати, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари қатори, олий қадрият ҳисобланиши қатъий белгиланган. “Қадрият” сўзи Конституцияда қайд этилгани, бас, у энди фақат маънавийгина эмас, балки ҳуқуқий категория ҳам ҳисобланади. Хўш, у айнан нимани англатади?

“Қадрият – инсон ва жамият маънавия-тининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”.

Фанда қадриятшунослик алоҳида соҳа ҳисобланади. У халқро атама сифатида “аксиология” деб аталади. Қадриятшунос-лар “қадрият” категориясидан ҳар қандай нарса, шу жумладан, инсоннинг ижтимоий қадрини, аҳамиятини ифодалайдиган уму-

мий ва универсал категория сифатида фойдаланади. Содда қилиб, қадриятни “улуғланадиган нарса” деб тушунсак ҳам хато қилмаймиз.

26-модда инсон қадр-қиммати дахлсизлигини қафолатлайди:

“Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравон-ликка, бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёҳуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”.

Бир ҳаётий мисол келтирай. Шахсни жамият манфаатини ўйлаб иш қилишга даъват этиш мумкин. Лекин уни ҳеч ким бунга мажбур қила олмайди. Ҳатто, дам олиш куни ўтказилган ҳашарга чиқмагани учун ҳам ходимни жазолаш ҳақида қонун йўқ. Йиллар бурун нодавлат телеканаллардан бири ҳар куни айни пайтда бериладиган ахборий дастурида экранда Ўзбекистон телевидениечилиги тарихида ҳеч учрамаган мана бундай қайдни ёзди:

“Бу ерда Республика Маънавият ва маърифат маркази фалон бўлими мудирини Фалончиеваннинг жаргонлар ҳақидаги интервьюси берилиши керак эди. Аммо у бундан бош тортди”.

Кетидан суҳандон ўша бўлим мудирининг лавозимига мос ёки мос эмаслиги ўйлаб кўрилиши кераклиги ҳақида фикр ҳам билдириб ўтди.

Камина ўша Марказ раҳбари ўринбосари бўлиб ишлар эдим. Суриштириб, аниқласак, ҳақиқатан ҳам, бу хусусий телеканалда бўлим мудирига кўнгирок қилиниб, жаргонлар ҳақида интервью бериш таклифи ай-тилган, лекин мудира бу аёл киши чиқиб муҳокама қиладиган мавзу эмаслигини айтиб, таклифни рад этган экан. Бор гап шу.

Тўғри, нодавлат телеканал – жамият манфаати учун жаргонларнинг салбий жиҳатларини таҳлил қилишга ҳақли. Аммо Конституция бўйича шахснинг бирон-бир оммавий ахборот воситаси орқали чиқиш қилиш-қилмаслики ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига ҳеч ким дахл қила олмайди. Бу – унинг ихтиёридаги масала.

Агар телеканал расмий хат билан Марказдан шу ҳақда фикр билдиришни сўраган бўлса, жавоб талаб қилишга ҳақли эди. Шунда ҳам Марказ: “Бу масалада фикр билдиришни лозим топмадик”, тарзида жавоб қайтариши мумкин. Ушунда ҳам раҳбар ёки раҳбар ўринбосари жавоб хатга имзо чекади, бўлим мудирини эмас.

Борди-ю, телеканал билан Марказ ўртасида шу мавзуда чиқиш қилиш учун ходим бериш ҳақида шартнома тузилган ва айнан шу ходим ижрочи қилиб белгиланган бўлса ҳам бошқа гап эди. Ёки Марказ раҳбарининг Фалончи Фалончиеваннинг фалон телеканалда жаргонлар бўйича чиқиш қилиши ҳақида буйроқ чиқарилган бўлса эди,



Султонмурод ОЛИМ,
Тошкент амалий фанлар университети
профессори

бўлим мудирини мажбур бўлар эди.

Нодавлат телеканалдаги режа амалга ошмагани учун бошқа бир ташкилот вакили айбдор бўлмайди-ку. Шундай экан, бу ҳолатда инсон қадр-қиммати камситилди. Қонунга биноан, эртасига шу кўрсатувнинг ўзида телеканал фуқародан кечирим сўради.

Чунки 31-модданинг 1-бандида: “Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга”, деб ёзиб қўйилган.

52-модда ўқитувчилар ҳақида: “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”.

60-модда барча фуқароларга мажбурият юклайди:

“Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”.

Хуллас, инсон – жамият аъзоси. У жамиятдан айрилган ҳолда яшай олмайди. Аммо ҳар бир шахснинг жамият билан боғланиши шакллари ҳам, йўллари ҳам, даражалари ҳам ҳар хил бўлади.

Инсон қадрини ва умумжамят манфаатларини, қўриб ўтганимиздек, қонунлар тартибга солади. Инсон қадрини ва умумжамят манфаатларини мувофиқлаштириш ҳам мажбурийлик, ҳам ихтиёрийлик қатъиятларига суянади. Инсон қадрини ва умумжамят манфаатларини юксак даражага кўтариш тизимли тарбия ва тарғибот асосида амалга оширилади.

Шуни асло унутмаслик керакки, инсоф ҳуқуқий категория эмас. У – маънавий фазилат. Ҳатто, олижаноблик белгиси ҳисобланади. У – виждон билан иш тутиш туйғуси, ҳаётда, ишда, бошқаларга муносабатда ҳалоллик ва тўғрилиқни англатадиган тушунча. Зидди – инсофсизлик. Маънавий тарбияда кишиларни инсофга қақариш мумкин ва керак. Бироқ инсоф зинҳор-базинҳор ҳуқуқий категория бўла олмайди.

Таҳлилларимиздан англашилиб турибдики, инсон қадрини ва умумжамят манфаатларини диалектик бирлигига эришиш комил шахс тарбияси ва халқ раънақи учун ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

етказган. Бироқ жамоатчилик бу изоҳга ишонмайди ва уни Жанубий Африкадаги апартеид давридаги усулларга ўхшатмоқда.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАЁТГАН ЭРОН



БМТнинг ядро назорати бўйича ташкилоти Бошқарувчилар кенгаши Эрон халқаро ядро хавфсизлиги қафолатларига риоя қилмаётгани ҳақидаги қарорни маъқуллади. Бу ҳақда “Al Jazeera” телеканалига дипломатик манбалар хабар берди.

Халқаро атом энергияси агентлиги (IAEA) Бошқарувчилар кенгашининг қарори 19 та аъзонинг ёқлаши, учта қарши ва 11 та бетараф овоз билан қабул қилинди.

Бунга жавобан Эрон Ташқи ишлар вазирлиги ва Атом энергияси ташкилоти қўшма баёнотида мамлакат “хавфсиз жойда” янги уран бойитиш корхонаси қуришини маълум қилди.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЯНА САНКЦИЯ

Европа Иттифоқи Россияга қарши янги санкциялар пакетини эълон қилди. Бу ҳақда “CNN” хабар берди.



Иттифокнинг фикрича, Москванинг Украинага қарши ҳар кунги ҳужумлари унинг тинчликдан манфаатдор эмаслигини кўрсатмоқда.

Янги санкциялар тўплами Кремлнинг нефть ва газ қазиб олишдан пул ишлаш қобилиятини нишонга олган. Бу Россия 2022 йилда Украинага қарши кенг қўламли босқинни бошлаганидан бери 18-санкция ҳисобланади.

Санкция Россия нефти экспорти нархининг юқори чегарасини бир баррель учун 60 доллардан 45 долларгача пасайтиришни кўзда тутди. Бундан ташқари, у учинчи мамлакатлардаги Россия банклари ва молия институтлари билан операцияларни тўлиқ тақиқлашни ўз ичига олади.

МУСИҚАЧИ ТРАМП

АҚШ президенти Дональд Трамп болалигида най чалганини айтиб, созанда бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳазиллашди. Бироқ ота-

си бундай касб йўлини маъқулламаганини билдирди.



“The New York Post” газетаси подкастида президент болалигида ота-онаси уни махсус қобилиятини баҳолаш учун синовларга олиб борганини эслади.

“Синов ўтказувчилар отамнинг олдида келиб: “Ўғлингизнинг ажойиб қобилияти бор, у зўр муסיқачи бўлиши мумкин”, дейишди. Аммо бу отам эшитишни истаган гап эмасди”, дейди Трамп.

ҚАДИМИЙ ДУНЁ ТОПИЛДИ

Шарқий Антарктидада 34 миллион йилдан ортқ вақт давомида тегилмаган улкан қадимий ландшафт бир милдан ортқ қалинликдаги муз қатлами остида топилди. Бу ҳақда “Daily Mail” хабар берди.



Яширин ҳудуд Шарқий Антарктиданинг Wilkes Land деб аталувчи чекка минтақасида жойлашган бўлиб, майдонининг катталиги Бельгия давлати ҳудудига тенг келади ва қирғоқдан анча ичкарида жойлашган.

Олимлар сунъий йўлдош маълумотлари ва музни тешиб ўтувчи радарлардан фойдаланиб, ҳозирда муз билан қопланган бу қадимий дунёда бир пайтлар дарёлар, ўрмонлар бўлгани ва ҳатто пальмалар ўсганлигини аниқлади.

ТАРҒИБОТ ЭШИТТИРИШЛАРИ ТЎХТАТИЛДИ

Жанубий Корея ҳукумати икки томонлама муносабатларни яхшилашга интилиш мақсадида Корея халқ демократик республикаси чегарасида жойлашган радиокарнайлар орқали Пхеньяни танқид қилувчи дастурларни эфирга узатишни тўхтатди. Бу ҳақда “Yonhap” агентлиги хабар берди.



Эшиттиришлар ўтган йилнинг июнь ойида Пхеньян Жанубий Кореяга ахлат тўлдирилган ҳаво шарларини жўнатганига жавобан қайта бошланганди.

2024 йил май ойининг охиридан бошлаб Шимолий Корея Жанубга минглаб ахлат тўлдирил-



Бошланиши 1-саҳифада.

Биз бу дунёнинг ўткинчилигини инсон умри билан ўлчамимиз, адабиётнинг замирида ҳам инсон фалсафаси, ҳамиша унинг ғолиб ва мағлуб қарашлари акс этиб туради. Доимо вақтнинг, умрнинг қўламини одамият тарозисига солиб хулоса жасаймиз.

Тоғлар бизнинг назаримизда боқий умр сурадигандек туюлади, аммо шоир айтадики, бу тоғлар ҳам ўз умрини яшаб ўтаётир. Демак, Ер шар — она замин ҳам коинот узра умргузаронлик қилмоқда...

Айтганча, бу галги сафардан мақсад кўрғон ошиб, Қирғизистонга бориш эди. Туркий халқларнинг бошини бириктириб, кўнглини қовуштириб турган ТУРКСОЙ халқроқ маданият ташкилотининг тақлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қўллаб-қувватлаши билан Ўш шаҳрида қирғиз халқининг забардаст шоири Жолон Мамитов таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган “Яшил олам” туркий дунё ёш шоирлари фестивали сари йўлга чиққандим.

...Поезд бир маромда илдамлар, тоғлар далаларга, далалар кишлоқларга уланарди. Саратоннинг бағрига сингиб бораётган жавзо кўз ёш қилаётгандек ёмғир савалаб, тупроқнинг иси димоққа урилади. Водийнинг ўзгача фазиси бор, бир қарич ҳам ернинг қаровсиз қолганини кўрмайсиз. Ястаниб ётган далаю адирларга кўрк бағишлаб турган



экинлар меҳнаткаш халққа насиба тутиб, барқ уриб униб-ўсмоқда.

Поезд перронга келиб тўхтаганида ўзини ҳаёдан тийиб, сергак тортидм. Гавжум вокзалдан чиқиб, сертакаллүф киракашлар билан узук-олук муросага эришиб, уловга ўтирдим-да, “Дўстлик” чегара постига қараб кетдим.

Ростини айтсам, ичимда бироз ҳадик бордек, аслида ҳадик ҳам деб бўлмайди: яқин йилларда ҳад ошиб ўтмаганим учун, чегарада ортиқча чарқоқ ва қийинчиликларга рўбарў келамамми, деб ўйладим. Хайрият, аллақачон тулпорини гижинглатиб, чегара-ўтиш постининг қаршисида мени кутиб турган ҳамроҳларимга йўлиқдим.

“Дўстлик” чегара пости шинам,

“МЕН ҲАМ КЎПРИК ҚУРАЖАКМАН ШЕЪРДАН ЁНИБ...”

ўтувчилар учун қулай шароитларга эга манзил экан. Ҳеч бир тўсиқсиз, савол-сўроқсиз юрт дарвозасидан чиқдик. Қардошларимиз ҳам шу каби бағрини очиб кутиб олди. Бўларканку, дейман, завқим ичимга сиғмай, авваллари постларда савол-сўроқ қилиб, юк-ёвингни титиб текшириб, гумонсираб кўзларингга боққанида, ўзингдан шубҳаланиб, нигоҳингни олиб қочардинг...

Қардошлар бўғирсоқ билан бол тутиб, дўмбира чертиб қаршилади. Кичик маросимда Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги консуллиги вакиллари, Ўш шаҳри ҳокимлиги мутасаддилари, шоир-ёзувчилар, маданият соҳаси вакиллари қатнашди. Қирғиз халқининг термалари, ўзбек халқ кўшиқларидан парчалар дўмбира жўрлигида йўл бўйи ҳам янграб кетди...

Адабиёт — миллату халқларни бир мақсадга маслак йўлида бирлаштирадиган катта куч. Туркий давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг яхшиланиб бориши адабиёт, маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларни янада мус-

лаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Шу мақсадда Ташқи ишлар ва Маданият вазирларимизга Боку саммитига қадар тегишли таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини топширсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман”, дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлатимиз Раҳбарининг ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани каби, адабиётда ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистонда “Туркий адабиёт дурдоналари” деб номланган 100 жилдлик тўпламнинг нашр этилиши туркий тилли мамлакатлар бирлигини мустақамлашда улкан қадамдир. Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ТУРКСОЙ халқроқ маданият ташкилотининг ташаббуси билан ўтказилган “Яшил олам” туркий дунё ёш шоирлари фестивали ҳам шундай дўстона алоқаларнинг ҳосиласи бўлди.

Жолон Мамитов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган халқроқ шеърят фестивалида Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия, Венгрия, Туркменистондан келган ёш шоирлар жам бўлди. Асосий тadbирлар Ўшда атоқли шоир, публицист ва таржимон Жолон Мамитовга ўрнатилган ёдгорлик ҳамда шоир номидидаги боғнинг очилиш маросими билан бошланди.

Жолон Мамитов нафақат қирғиз халқининг балки, турк халқлари адабиётининг ҳам фахридир. Унинг шеърлари турк, озар, қозоқ, туркман тилларига ҳам таржима қилинган. Жўмладан, ўзбек тилига ҳам атоқли шоир Турсунбой Адашбоев томондан ўғирилган. Жолон оғанинг шеърлари шундай қуйма ёзилганки, таржимада ҳам бу енгилликни ҳис қиласиз.

Жолон Мамитов 1940 йилда Қирғизистоннинг Қорасув туманида туғилган. Бор-йўғи 48 йил умр кўрган. Мана шу қисқа ҳаёти давомида шоир асрларга татигулик асарлар яратди, қирғиз шеърятининг ёрқин юлдузи бўлиб порлади. Унинг ўнга яқин шеърый тўпламлари нашр этилган ва адабиёт ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлган. Моҳир мутаржим Жолон Мамитов жаҳон адабиёти вакиллари Ф.Тютчев, А.Фет, В.Маяковский, М.Слуцкийнинг айрим асарларини қирғиз тилига таржима қилган.

Ўш давлат университетиде фестивалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Қирғизистон Республикаси Давлат котиби Марат Иманкулов Қирғиз Республикаси Президентининг фестивал иштироки фаолияти ва тузилмасини замон талабларига мос равишда такомил-



Жолон Мамитов (1940–1988)

килоти Бош котиби Султон Раев, шунингдек, маданият ва жамоат арбоблари сўзга чиқди. Куннинг иккинчи ярмида қирғиз халқининг маънавий меросига айланган шоир шеърлари асосида “Оловга ишқим тушди” ва “Яшил олам” номли шеърят кечалари бўлиб ўтди.

Сафарнинг иккинчи куниди Ўш шаҳрининг тоғи бўлиб қад ростлаб турган Сулаймон тоғига саёҳат уюштирилди. “Сулаймон-Тоо” миллий тарихий-археология музейи меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Қадимжо камиди уч-уч ярим минг йиллик тарихга эга, дейди олимлар.

Ўш миллий драма театрида бўлиб ўтган тантанали кеча шаҳар аҳолиси ва меҳмонлар қалбига бир умр муҳрланиб қоладиган бўлди. Турли давлатлардан келган қардош ёш шоирлар ТУРКСОЙ халқроқ ташкилотининг сертификатлари билан тақдирланди.

Фестивалнинг охири куниди иштирокчилар баланд ва олис тоғлар бағрида жойлашган “Қора қўй” яйловларига саёҳат қилди. Тоғлар бағридаги ўтовларда адабий суҳбатлар, мушоиралар давом этди.

Осмонўлар тоғлар бағрида кечган лаҳзалар хотираларга муҳрланди. Вижорли чўққиларга бўйлашиб учаётган бургутлар, майсаларга қўнган ёмғирлар, ҳаётга шахду шижоати билан рағбат бериб турган йилқи уюрларининг дупури, шарқираб оқаётган дарёнинг шиддати — бутун табиатнинг гўзаллиги ва маҳобати ижодкорларни илҳомлантириб юборди.

Мана шундай кезда яна Жолон Мамитовнинг сатрлари дилингдан кўчиб, тилингда кўчатиёв янграйди: Мен ҳам кўприк қуражакман шеърдан ёниб...

Фахриддин ХАЙИТ,
Ўзбекистон ва Қирғизистон
Ёзувчилар
уюшмалари аъзоси

МАКТУБ



БЕХБУДИЙ БИЛАН СУҲБАТ

Дарслар расман тўхтаган бўлсада, ўқитувчи учун бола қалби ва тафаккур билан мулоқот ҳеч қачон тугамайди. Чунки тарбия ва маърифат фақат синфхоналарда, журнал ва дастур асосида кечадиган жараён эмас. У ҳаётнинг ўзи каби узлуксиз, рангин ва қизиқарли бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қаралса, ҳар бир фасл бола қалбига йўл топишнинг ўзига хос фурсатидир.

Чинакам устоз “танаффус” даврида ҳам бола билан ишлашга, унинг дунёсига ҳамроҳ бўлишга интилади. Айниқса, бу йилги таътил биз учун маърифат-парварлик мисолларини ёшлар қалбига етказиш йўлида янги руҳ, илҳом бағишламоқда. Бу борада Президентимизнинг “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори устозларнинг маънавий-маърифий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, дарсларимизда буюк жадиднинг ҳаёти ва меросини ёшлар қалбига чуқурроқ сингдириш учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очди. Қарор доирасида белгиланган илмий-маърифий тadbирлар, ижодий учрашувлар ва маданий лойиҳалар Беҳбудий шахсияти, унинг ҳаёт йўли ва фаолияти мисолида жадидлик ғояларини ёш авлодга таъсирчан, замонавий усулларда етказишда мустақам замин яратмоқда.

Адабиёт фани ўқитувчиси сифатида ҳар гал дарсага кириб, ўқувчилар билан Беҳбудий ҳақида суҳбатлашар эканман, ўйлайман: “Мен ҳозир шунчаки маълумот бермаялман, улارга шахсият, адолат, фидойилик, билим ва бунёдкорлик руҳини уқтирялман”. Негаки, Беҳбудий асарларида мана шу қадриятлар мужассам. Қолаверса, биз педагоглар миллиятнинг оёққа туриши, мутараққий қаторига чиқиши учун айнан жадид боболаримиз фидойилигидан ибрат олишимиз керакмасми?! Ўша ғоят мураккаб, чигал шароитда, бир томондан мустамлакачи ва большевоилар, иккинчи томонидан қадимчи ва мутаассиблар милтиғу қамчи ўқталди таҳдид солиб турган бир замонда ойдинларимиз болажонларга соатбай дарс ўтганмиди? Уларда таътил ё танаффус бўлганмиди? Йўқ, улар ўз ўқувчиларидан ҳеч қачон руҳий ва маънавий ришталарни узмаганлар, сабоқларини мудом қалббай олиб борганлар. Чунки миллат қисмати омонат турган қалтис бир пайтда илм-

маърифатни пайсалга солиш кечирилмас хиёнат эканини яхши тушунишган.

Бугунги ёшларни Беҳбудийга қизиқтириш осон иш эмас. Бунинг учун дарсликдан ташқариллаш ҳам керак, қуруқ хронология кифоя қилмайди. Биз Беҳбудийни болага “ўқитиш” эмас, “ҳис этиш”ни ўргатишимиз зарур. Масалан, “Агар сиз Беҳбудий билан суҳбатлашсангиз...” тарзида ташкил этилган биргина метод-ҳаракат болани нафақат фикрлашга, балки тарих билан мулоқотга чорлайди.

Дарс жараёнида “Беҳбудий ҳафталиги” шаклида амалий машғулот ташкил қилган эдик. Ҳар гал дарсда бобомизнинг битта ҳикматли сўзи ёки мақоласи асосида фикр алмашарканмиз, уларни бевосита бугунги ҳаёт билан боғлаймиз. Масалан, “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм позимдур” деган сўзларида аллома биздан нимани кутаётгани жонли акс этади. Бу ибора талқинида болалар билан ахборот оқими саралаш, мустақил қарор қабул қилиш, дунёга теран нигоҳ билан қараш сингари мавзуларда баҳс юритамиз. Бола шахси ана шундай мунозараларда очилади, тобланади, пишиб етилади.

Шунингдек, қарорда қайд этилган қўллаб тadbирлар орасида кино, театр санъати, иншолар танлови, илмий конференция каби қўллаб йўналишлар қамраб олингани ҳам айтиш мумкин. Бу каби турли форматлар дарсдан ташқари муҳитда ҳам Беҳбудий шахсини ўқувчига маънан яқинлаштиради.

Агар биз Беҳбудийни дарсларга жонли, теран ва самимий олиб кирсак, ҳар бир бола бу исми ўз ҳаёти билан боғлиқ бошлайди: “Беҳ бул!”, “Яъни “Яхши бўл, қомил инсон бўл” деган ҳикматни ўз юрак призмасидан ўтказиши ва унинг қалбига шундай саволлар туғилади: “Мен қандай қилиб халқимизга фойда келтира оламан?”, “Жамиятни яхшилашда менинг ҳиссам қандай бўлиши мумкин?” Ана шу сўроқлар, ана шу интилиш Беҳбудий тимсолида жадид боболар орзу-истаклари ва эзгу мақсадлари бугунги авлод тафаккурида яшашда давом этаётганининг ёрқин ифодаси бўлади.

Хуллас, таътил вақтида ҳам ўқувчилар билан мулоқотни тўхтатмасдан, махсус телеграм гуруҳи орқали Беҳбудий ҳаёти ва ижодига оид сабоқларимизни давом эттирялмиз. Қувонарлики, жараён ташаббускорлари — ўқувчиларимнинг ўзлари.

Нигора ЮНУСОВА,
Тошкент шаҳридаги
249-мактаб ўқитувчиси

ТАДҚИҚОТ

Жадид театри — миллий маданиятимиз тарихида алоҳида ҳодиса. Шу сабаб ўша давр матбуотида театр санъати муаммоларига доир бир қанча мақолалар чоп этилган. Театр санъати, ижро маданияти, актёрларнинг маҳорати билан боғлиқ сахна эпизодларига зиёлилар томонидан муносабат билдирилган. Чунки жадидлик ҳаракати намояндалари учун театр фақат санъат майдонигина эмас, маънавий тарғибот воситаси ҳам эди. Хусусан, Абдулла Авлонийнинг “Санойи нафиса ҳақида”, З.Баширнинг “Тоҳир Зухра” (шу номдаги татарча пьеса ҳақида), “Татар бошқирд труппаси ва “Нозли қувв” ҳақида”, Ғози Юнуснинг “Жиноятчи оиласи” (шу номли пьеса ҳақида), Беҳбудийнинг “Бизнинг маданиятимиз тўсиқлари” каби мақолаларида ўзбек театри билан боғлиқ муаммолар кўтарилган.

Абдулла Қодирий ҳам ўзининг журналистик фаолиятида театр санъатига алоқадор бўлган “Азоб боқчасида йиғи-сиғи”, “Эски шаҳар театри ҳаваскорларига”, “Бизда театру ишининг бориши” номли фелъетонлар эълон қилган. Адибнинг танқидий руҳдаги мақолалари ўзининг салмоғи ва қамрови билан матбуот тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орқали бугун бизда Туркистон театрларига Қодирий нигоҳи билан назар ташлаш имконияти мавжуд.



“ЭСКИ ШАҲАР ТЕАТРУ ҲАВАСКОРЛАРИГА”

“Иштирокион” газетасининг 1919 йил 24 октябрь 202-сонидида чоп этилган мазкур мақолага “Абдулла Қодирий” дея имзо чекилган.

Маълумки, Абдулла Қодирий инқилобнинг дастлабки йилларида “Эски Тошкент синфий иттифоқлар шўроси”да саркотиб вазифасида бир муддат ишлаган. Ўша даврда театрлар репертуарини назорат қилиш шу ташкилот зиммасида бўлган. Бинобарин, Қодирий шу даврда турли савиядаги асарларни ўқигани табиий. Ёзувчи ушбу мақоласида “санойи нафиса — театру бизим Тошканд мусулмон ёшлари орасида енгил бир иш онглашилганлигидан” куйиниб, “луғулар мактаби бўлган театру сафсата ва ноаҳил кишилар қўлида бир ўйинчоқ бўлиб” қолганини афсус билан таъкидлайди. Театр жадидлар наз-

дида улуг “ибратгоҳ” ҳисоблангани боис диққат-эътибор сахна асарларига қаратилган. Театр саҳнасининг тартиб-қоида, сахна одоб, профессионал ёндашув маҳорати, драманинг бадиий-эстетик хусусиятлари ҳали тўла шаклланмагани боис камчиликлар кўзга ташланар эди. Муаллиф ўз ижодий концепциясидан келиб чиққан ҳолда уч турдан иборат тавсиянома беради:

1) Саҳнага қўйилиши мўлжалланган сценарийни дастлаб “Артистлар союзи” билан “мутолаа юритилиб, сўнгра саҳнага қўюлсин”.

2) “Ҳаваскорларнинг ўз ролларини яхши онглаб ўйновлари учун” репетиция жараёнида махсус мутахассис чақирилиши зарур.

3) Саҳнага қўйиладиган асар юзасидан “Артистлар союзи” билан келиша олмаган тақдирда Эски шаҳар синфий иттифоқлар шўросига мурожаат қилинсин.

Муаллиф томонидан олға сурилган талаб ва

“БИРДАН-БИР ЧОРА

Туркистон театрлари

таклиф ўз навбатида ўзбек театр санъатининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

“БИЗДА ТЕАТРУ ИШИНИНГ БОРИШИ”

Ушбу мақола Абдулла Қодирийнинг дастлабки публицистик чиқишларидан бири бўлиб, “Иштирокион” газетасининг 1919 йил 1 декабрдаги 239-сонидида “Жубой” таҳаллуси билан босилган.

Абдулла Қодирий драма тарихини Туркистонда “1912 йилдан” бошланган деб белгилайди. Бу вақтда ҳудудда татар труппалари фаолият юритган, аммо халқ орасида оммалашиб кетмаган эди. Мақола муаллифи мана шу ҳолатнинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилган. Туркистонда “турмушимиздан четдароқ руҳдаги асарлар” халқ орасида кенг ёйилмаганлиги ва шу боис “у даражада ўзига жалб эта олмаган” лигига эътибор қаратади. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асари саҳнага қўйилгандан сўнг ватанимизда театрининг янги ҳаёти бошланади.

Қодирий “Падаркуш”ни “рисола” деб атайди. Туркистоннинг турли жойларида мазкур пьесага тақлидан ёзилган саҳна асарлари ниҳоятда кўпайиб кетади. Муаллиф тақлид “маданий миллатларнинг бир қонуни” бўлса-да, “янгилик ва матбуотсизлик” ва “алхусус бундай нимарсаларни танқид қилурға иқтидорлик мунаққидларимиз” йўқлигидан бундай йўсиндаги асарларни “мат-

буот элагиндан” ўткази олмаймиз, деб ёзади.

Қодирий бундай ҳол 1912–1917 йилгача давом этганини қайд этади. Эндиликда театр асарини ёзиш “эрмак ёки ҳавас” шаклига ўтганини таъкидлайди. Адиб театр репертуарининг талабга жавоб бермаслигини, артист ва режиссёрларда профессионализм етишмаслигини жиддий танқид қилади. Бунинг сабабини “санойи нафиса — театру... ёшлар орасида жуда ҳам бир енгил англашилган”ида деб билади.

Бундай муносабат шакли Тошканд ёшлари орасида кўп учраётганини ачинаиб ёзади. Эндиликда театрларда асар ёзиш, ҳатто ўз имлосини тўрилай ёза олмаганларга қолгани ва “олчипор драма”лар кўпайиб кетганига ишора қилади. Бундайларга жиддий танқидий муносабат бўлмаганидан улар “драматург”, “комик”, “оператур” бўлиб танилди, дейди куйиниб. Мазкур мақола эндигина тетапоя бўлган ўзбек театр санъати намуналари таҳлил қилинган назарий характерга эга.

Мақола муаллифи бундай савиясиз паст томошалар “театрни эрмак ва ўзларининг эскидан қолган мазҳабозлиқлари” сифатида қарашлар юзига келишига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Миллий театрининг халқ орасида таъсир доираси бўлиши учун драма муаллифи четдан эмас, ўзимизнинг “ичимиздан” чиқиши ва воқеалар ҳам “турмушнинг акси” бўлиши зарур деб ҳисоблайди. Театр неча асрлардан буён



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

РЎЙХАТЛАРДА ЙЎҚ ЭДИ НОМИ...

Кўпинча эврилишлар даврида инсон тақдири тарихнинг энг оғир синовларида имтиҳон қилинади. Ўртаҳол оилада вояга етган, айниқса, қалби илм-маърифатга ташна, ўзини жамиятга фойда келтирадиган шахс сифатида кўра бошлаган инсонлар учун бу йўл ҳам масъулиятли, ҳам машаққатли кечган.

Биз сўз юритмоқчи бўлган Абдукарим Тўхтабоев ҳаёт йўлига назар ташласак, илмга иштиёқи туфайли жамиятда юксак обрў-эътибор қозонган, аммо айнан шу маърифатпарварлик йўлида тақдири таҳликаларга тўла шахсни яқиндан таниб оламиз. Замонаси билан муросасиз тўқнашган бу шахс босиб ўтган қисқа, аммо залворли йўл маърифат билан бошланиб, сиёсий зулм билан тугалланган бир авлод тақдирининг аянчли ҳикояти ўлароқ ўқилади. Бунда жадидлик руҳининг оддий халқ фарзандлари орасида қандай ёйинланганининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Абдукарим Тўхтабоев 1898 йили Наманган туманида деҳқон оиласида туғилиб, болалиги Яккатой қишлоғида ўтган. У отаси билан уззукун дала-дашт юмушларида банд бўлар, мавсуми келди дегунча пахта теримига шўнғиб кетарди. Ёш Абдукарим ҳақида сўз борар экан, кўз ўнгимизда “кўли ишда бўлса-да, фикри ёди китобда” ўсиприн қиёфаси гавдаланади. Болакайни ўроқдами, чопиқдами учратмайлик, қўлда китоб билангина кўриш мумкин эди. Унда мутולהага меҳр, ўқиб-ўрганишга зўр иштиёқ бор эдики, кундалик юмушлар бунга сира тўсқинлик қилмас, имкон бўлди дегунча китобга тутинарди. Илмга ташналик унинг феълида, ҳаракати, интилишларида яққол бўй кўрсатиб турарди.

Бунгача ҳам ўғлининг кўзларидан барчасини ўқиб олган ота уни, аввало, рус-тузем мактабига беради. Абдукарим дастлаб ушбу мактабда хат-савод чиқарган бўлса, кейинчалик Тўрақўрғондаги рус мактабига ўқишга кириб, беш йил давомида тахсил олади.

Ўқишга хоҳиш-истакнинг кучини кўринг, энг нуфузли таълим масканларидан ҳисобланган Наманган гимназиясига қабул қилинади. Уша вақтда ҳар қандай ёш, айниқса, қишлоқ шароитида ўсган болалар учун улкан муваффақият саналарди бу. Чунки гимназияларда тахсил олиш имконияти озчиликка насиб этарди.

Абдукаримнинг руҳий ва фикрий ривожида айнан шу давр ҳал қилувчи босқич бўлди. У гимназияда тахсил олиб юрган кезлари Мунаввар қори, Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон каби жадид маърифатпарварлари ғоялари билан яқиндан танишди, уларнинг илмий-адабий мероси, матбуот нашрларидаги салмоқли чиқишларини мунтаздан кузатиб боришни ўзига одат қилди.

Аён, жадидлар учун таълим-тарбия шахсий униб-ўсмакдан кўра кўпроқ миллат тараққийсига дахлдор масала эди. Абдукарим кун сайин ана шу руҳни ўзлаштира бораркан, илм ўрганишининг ўзи билангина кифояланмасдан, уни қай тарзда жамият манфаатига



хизмат қилдириш мумкинлигини ўйларди. Жадидлар таъкидлаган “ақл билан ишлаш”, “илм билан яшаш”, “миллат учун жон қўдириш” каби ғоялар унинг дунёқарашига тобора чуқур таъсир ўтказарди. Ана шу ғоялар таъсирида у ўз фикри, қараши ва мавқеини англаб борар, маънавий камолоти йўлида жадидлар илгари сурган ташаббуслар муҳим ўрин тутарди.

Гимназияни муваффақиятли тугатган Абдукарим Тўхтабоев учун тургун жамиятнинг издан чиққан даврида ўз ўрнини топиш осон бўлмади. Аммо инқилоб бошланиб, жамиятда янги тузум шакллана борган йилларда у юзага келаётган имкониятларни англаб, фаол ҳаракатга киришди. Қаҳрамонимиз турли давлат муассасаларида ишлаб, янги ҳаётга ўз ҳиссасини қўшишга интилди.

Янги ҳокимиятни барпо этиш, идоралар ва маориф тизимини ташкил қилиш жараёнида саводли, ташаббускор кадрлар зарур эди. Абдукарим Тўхтабоев ана шундай маҳаллий зиёлилардан бири сифатида фаолият юритар экан, 1918–1923 йиллар давомида маъмурий ишларда, таълим ва маданият соҳаларидаги ислохотларда ҳам фаол қатнашди. У ўз саъй-ҳаракатлари орқали миллий кадрларни тарбиялаш, уларни масъул вазифаларга имкон қадар тортиш ва шу орқали миллий давлатчиликни тиклаш борасидаги фикр-мулоҳазаларини дангал айтишдан асло чўчимас эди. Ана шу қатъияти боис у ҳам совет маъмурларининг қора рўйхатиغا тиркалади.

1920-йиллар ўрталаридан бошлаб умумий сиёсий муҳит ўзгариб борди: ички тортишувлар, маҳаллий ва марказий органлар ўртасида ишончсизлик кучайди. Шахсга нисбатан ишонч билдириш ёки унга шубҳа билан қараш мезонлари алмашди: инсоннинг шахсий салоҳияти, билим даражаси ёки фаолияти эмас, унинг синфий келиб чиқиши, қариндошлари ким экани, ўтмишда қандай муҳитда яшагани каби омиллар биринчи ўринга чикди. Энди шахсни баҳолашда унинг насл-насаби, мулқдорлар билан қанчалик алоқаси борлиги, ҳатто ўзи ўқиган мактаб ёки ўқитувчиларининг сиёсий қарашлари ҳам аҳамият касб эта бошлади.

Шу туфайли кўплаб фаол ва саводли зиё-

лиларга, жумладан, Абдукарим Тўхтабоевга нисбатан ҳам муносабат ўзгарди. Энди у очикча айбланмаса-да, “сиёсий жиҳатдан ишончсиз” шахсга айланди, унга ўғай кўз билан қарай бошлашди. Отаси ва яқин қариндошлари “қулоқ” сифатида рўйхатга олингани, мулкининг мусодара қилиниши унга нисбатан муносабатни кескинлаштирди. Илгариги ишончдан асар ҳам йўқ, улар кўз ўнгига “миллатчиликка мойил” шахс турарди.

1928 йилга келиб бу муносабат расмий тус олди. Аввалига, у партиядан чиқарилди. Бу кескин бурилиш унга нисбатан бир неча йил давомида йиғилиб борган шубҳаларнинг очиқ юзага чиқиши эди.

1930 йиллар бошлари. Абдукарим Тўхтабоев Яккатой қишлоғида жойлашган пахта тайёрлаш пунктида ишлаётган кезлар. Қаҳрамонимиз пахтачилик соҳасида ўқувли, қобилиятли ва тажрибали ходим сифатида ишонч қозонгач, 1934 йилда Тошкентдаги махсус курсларга ўқишга юборилади. Бу каби ўқув курслари ўша даврда асосан келажакда масъул вазифаларга тайёрланадиган кадрлар учун мўлжалланган эди. Абдукарим Тўхтабоевнинг бу рўйхатга киритилиши, аввало, унинг соҳавий билим ва кўникмалари, шу билан бирга, маҳаллий даражадаги мавқеини ҳам тасдиқларди.

Бироқ 1937 йилнинг кузида вазият қутилмаган томонга бурилиб, курс тугай-туғай деганда – 10 октябрь куни Абдукарим Тўхтабоев ва яна бир неча курсант вақтинчалик иш юзасидан Косонсой туманига юборилади. Режага кўра, улар бир неча ҳафтадан сўнг Тошкентга қайтиб, таълимни яқунлашлари керак эди. Бироқ режа амалга ошмайди: орадан тўрт кун ўтiboқ, 1937 йил 14 октябрда барчаси ҳибсга олинади.

Абдукарим Тўхтабоев ҳибсга олинишида аянчли тафсилотлар келтирилади. 1937 йил 14 августда Яккатой қишлоғидаги пахта тайёрлаш пунктида “Қизил Ўзбекистон” газетасини варақлаб, сўнг суҳбатдошларига қарата шундай дегани иддао қилинади: “Совет ҳокимияти ўзбек зиёлиларининг энг яхши вакилларини қамоққа олиб мустамлақачилик сиёсатини олиб бормоқда, бу жиҳатдан подшоҳлик ҳукумати давридагидан ҳам ёмон

ҳолат юз бермоқда”. Бу каби фикрларида унинг зиёлилар тақдиридан хавотири яққол сезилиб туради. Айни пайтда, бундай мулоҳаза 1937 йилдаги сиёсий муҳитда давлатга қарши чиқиш сифатида баҳоланиши мўқарар эди.

Яна шундай тафсилот келадики, тинтув пайтида Абдукарим Тўхтабоев уйдан Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи топилди. Бу китоб у пайтда расман тақиқланмаган бўлса-да, адибнинг “миллатчи” сифатида қоралangani туфайли китобни сақлашнинг ўзи “айб” деб баҳоланиши мумкин эди. Бошқача айтсак, китоб терговчилар кўз ўнгидани “ҳали ҳам ўтмишга ёпишиб олган миллатчи”га айлантришга етарли далил эди. Қаҳрамонимиз тақдири айнан шу нуқтадан янада оғирлаша бошлади.

Абдукарим Тўхтабоев Ички ишлар халқ комиссарлигининг Фарғона вилояти Ўйчи тумани бўйича вакили томонидан ҳеч қандай далилсиз ҳибсга олинади ва унинг кейинги ҳаёти шундай тушунарсиз, асоссиз айбловлар ичида ўтади. Шикоятларидан бирида у шундай ёзади: “Мени тинтувсиз, ҳеч қандай айбсиз қамоққа олишди. Уч ой Фарғонада, кейин Наманганда, сўнгра Тошкентда ушлаб туришди. Сўнгра Ярославль областига этап қилишди. Формуляр тўлдириш пайтидагина мен сиртдан (яъни, мен катнашмаган ҳолда) 10 йилга ҳукм қилинганимни билдим”.

Бу унинг 1941 йил 1 май куни Волга–Москва канали қурилишидаги маҳбўслар лагери-дан СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига йўллагётган бешинчи шикояти эди.

Қаҳрамонимизнинг рафиқаси Доноҳон Тўхтабоева ҳам турмуш ўртоғининг ноҳақ айбланганини билдириб, расмий идораларга кўп бора ариза билан чиқади. У ҳар мурожаатида умр йўлдоши тақдиридан қайғурар, адолат талаб қилар, бу ҳолатнинг оиласи аҳволига таъсири ҳақида куйиниб ёзарди: “Фарзандларим таълимдан маҳрум. Ҳаётимиз тубдан бузилди. Илтимос, эримнинг ишини қайта кўриб чиқинлар!” Адолат излаш, бир инсон тақдирини сақлаб қолиш истаги мужассас бу мурожаатлар, таассуфки, ҳар гал бежавоб қолаверди.

Абдукарим Тўхтабоевга қўйилган айбловлар орасида ақлга сиймайдиган, эшитган қулоққа эриш туюладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмасди. Масалан, у Файзулла Хўжаев ҳақида ижобий фикр билдиргани, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби миллат зиёлиларини ҳурмат билан тилга олгани учун ҳам айбланган ва бу каби баёнотлар расмий ҳужжатларга жинойид далил сифатида тикилган.

Орадан йилгирма йилдан ортиқ вақт ўтгачина, бу ноҳақлик тан олинади. 1958 йил 28 февралда Абдукарим Тўхтабоев расман оқланади: Совет органлари унинг айбсиз эканини эътироф этади, унга нисбатан ўтказилган тергов ва берилган жазо асоссиз деб топилди. Аммо, афсуски, ушбу қарор қабул қилинган пайтда унинг ўзи ҳаёт бўлган-бўлмагани номаълум.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор


нисбатан муносабатини “ваҳшийларча” сўзи орқали кўрсатади, яъни уларнинг миллатга берган баҳосини аччиқ кесатиқ орқали ифодалайди. Маданият никоби остида миллий-диний туйғулларнинг поймол этилиши, авом наздида “маданий” бўлиб кўриниш орқасида асл моҳиятдан йироқлашиб, ўзлигидан айро тушишига ишора қилади. Мақолада “маданий” никоби орқасидаги сохта “артист”ларнинг қиёфаси фош қилинади.

Мақоланинг “Азоб боқчасида йиғи-сиги кечаси” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Артистларнинг масъулиятсизлиги оқибатида томошабин йўқлиги ва ўринлар бўшлиғи боис “хилватхонага” қурбақалар кириб келганлиги айтилади. Қодирий қурбақаларни “маданий махлук” деб, томошага “киши” йўқлигидан билет олиб кирганлигини писанда қилади. Ҳикоячи театр “муассасаларига ва ўзбек “орсизлар” тўдасига марги мажохат” тилайди. Муаллиф “Роҳат боқчаси” маъносига қарама-қарши “Азоб боқчаси” сўзини қўллаб, томошабин роҳатланиш ўрнига азобланиб, кечалари “ғариб тушлар” қўриб чиқаётганини муболага қилиб, аччиқ кулги воситасида камчиликларни очиб беради.

Театрни миллий қайғу учун малҳам ўрнида кўрган жадидлар сахна асарлари яратишга киришади. Лекин саҳналаштирилган драмаларнинг барчаси ҳам талаб доирасида эмаслиги ва актёрларнинг ҳам маҳорат бобида ноқорлиги одамларни театрдан узоқлаштириши мумкин эди. Бу камчиликлар ва уларга сабаб бўлганлар Абдулла Қодирийнинг танқид камчиси билан беаёв саваланади.

Санобар ТўЛАГАНОВА,
филология фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Бобожон Отажонов – 1880 йили Хива шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1917 йилгача ишчи, деҳқон, мардикор ва тикувчи бўлиб ишлаган. “Ёш хиваликлар” партияси аъзоси бўлган. 1917–1924 йиллари бир қатор масъул лавозимларни эгаллаган. “Кўшчи” союзининг раиси, 1920 йили Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) халқ комиссарлар советининг раиси лавозимида фаолият кўрсатган. Хоразмдаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар унинг фаолияти билан боғлиқ. 1924 йилдан Хоразм Халқ Совет Республикасининг Москвадаги мухтор вакили, 1925 йил 7 мартдан Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари коллегия аъзоси бўлиб хизмат қилган.

СССР Олий суди сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши қарори билан Бобожон Отажонов отувга ҳукм этилган. Ҳукм ўша кун ижро қилинган.

Қодирхўжа Ваҳобов – 1898 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Эски шаҳарда янги усулдаги жадид мактабида таълим олган. 1931 йилдан партия аъзоси бўлган. Беш ойлик саводсизликни тугатиш курсини битирган. 1923-1924 йилларда тўрт ойлик алоқа-телеграф курсида ҳам тахсил олган. Кейинроқ ўқитувчилик қилган. 1925–1927 йилларда Тошкентда кооператив мудир, 1928–1931 йилларда фабрика ишчиси, кейинроқ фабрика директор, ўринбосари, пойабзал фабрикаси ишчилар таъминоти бўйича директор ўринбосари, 1933 йилда директор, 1936 йил 5 декабрдан Тошкент шаҳар Сталин райони ижроия комитети раиси лавозимларида ишлаган.

Рус, татар ва қозoқ тилларини мукаммал билган. 1938 йил 14 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида 15 нафар маҳбўс иши кўриб чиқилган ва қайта тергов қилиш тўрисида қарор қабул қилинган. Улардан бири Қодирхўжа Ваҳобов бўлган, юртдошимизнинг кейинги тақдири номаълум.

Аҳмаджон Абдусаидов (Ҳамдий) – 1878 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Бухородаги “Жадидлик ҳаракати” ва “Ёш бухороликлар” фирқаси намояндаларидан бири, давлат ва жамоат арбоби бўлган. 1911–1913 йилларда Истанбулда тахсил олган. Амирлик тузумини ағдаришда фаол қатнашган. 1920 йилда Бухоро ревком раиси, кейинроқ Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси масъул котиби бўлган.

Аҳмаджон Абдусаидов сиёсий фаолиятини тўхтатиб, мактабда ўқитувчилик қилган ҳамда бадийий ижод ва публицистика билан жиддий шугулланган. Ҳамдий таҳаллуси остида шеърлар битган. 1937 йил 9 октябрда совет режими томонидан Тошкентда қамоққа олиниб, 14 октябрда Бўзсув соҳилидаги жарликда 59 ёшида отиб ташланган. Қатагон қурбони бўлган юртдошимиз Аҳмаджон Абдусаидов ўлиmidан сўнг 1965 йилда оқланган.

Воис Абдулвоҳидович Қorieв (Олтой) – 1903 йили Тошкентда таваллуд топган. У Ўзбекистон ССРда фаолият кўрсатган миллий раҳбарлардан бири Воис Қorieв (1897–1938)нинг ухдоси.

Воис Қorieв Мунаввар қори Абдурашидхоннинг мактабида тахсил олган. “Чигатой гурунги” ташкилоти фаолиятида қатнашган. Фитратнинг яқин шоғирдларидан бири бўлган. Хоразмдаги мактабларда ўқитувчилик ҳам қилган.

Москвада тахсил олиб, Самарқандда Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссариатида Бош ижтимоий тарбия бўлими мудир ва Давлат илмий муассасасининг (ГУС) раиси бўлган. Шунингдек, “Қизил қалам” уюшмаси раҳбари ва 1930 йили “Ёш ленинчи” газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган.

1933 йили 5 апрелда ҳибсга олинган. 1934 йили Москвада бўлган суд жараёнида ўлим жазосига, кейинчалик жазо ўзгартирилиб, 10 йилга озодлиқдан маҳрум этишга ҳукм қилинган.

Муддатидан олдин озод қилинган Воис Қorieвни 1941 йил яна қамоққа олишади. Уни Воркутага сургун қилишади. Қаҳрамонимиз 1946 йили 24 декабрда сургундан уйига қайтган. Совет маъмурларига унинг маърифатпарварлик руҳидаги саъй-ҳаракатлари хуш келмайтиди. Шу боис Воис Қorieвни 1948 йили яна тақрор қамоққа олишади ва бу сафар у 10 йил муддатга қамалади.

Кейинроқ яна муддатидан олдин, 1953 йили 14 мартда озод қилинади. Шундан сўнг (1956-1957) “Турон” клубида, кейинроқ эса Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида (1959–1977) ишлайди. Шеърий тўппамлари, хотиралари эълон қилинган. Филология фанлари номзоди Воис Қorieв 1975 йилда “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган. У Тошкент шаҳрида, 1977 йилда 74 ёшида вафот этган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

Давоми келгуси сонда.

ТАНҚИД ЙЎЛИДИР”

Абдулла Қодирий нигоҳида

“сафсата ва сирхбозлик ила заҳарланган” халққа адабий мактаб бўлиб хизмат қилмоғи керак. Муаллиф драманинг жанр имкониятларини билмаслик оқибатида бирон тузуқ асар кўрмaganлигини қайд этар экан, бу ҳол “сахна учун хиёнат” эканлигини таъкидлайди.

Абдулла Қодирий театр санъатининг ривожланишида танқидчиликнинг ўрни муҳим эканини айтар экан, бунда фақат артистлар ижросига тўхталиб қолмасдан, балки сценарийларни ҳам атрофлича таҳлил қилишни тақлиф этади. Зеро, “театр ва драматургияни яхшилаш учун бирдан-бир чора бўлса, ул ҳам танқид йўлидир”, дейди. Ёзилётган сахна асарларининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, томошабин диди ва савиясининг юксалишига хизмат қилиши, бунинг учун драматурглар асар композициясини, персонажлар саҳиясини пишиқ-пuxта ишлашини талаб қилади. Муаллиф “қаҳрамоннинг сўз ва иши характериға номувофиқ, унинг ички сирини очилмай” қолаётганини кескин танқид қилади. Абдулла Қодирий театр санъатини шакллантиришда миллат манфаати бирламчи аҳамиятга эга бўлиши лозимлигини ургўлайди. Уз даврида билдирилган бу фикрлар Қодирийнинг театр санъати ва адабиёт назариясини яхши билувчи ўктир нигоҳли мунаққид эканидан далолат беради.

Муаллиф “Темир тўдаси” труппаси томонидан саҳналаштирилган “Жадид – қадим” драмасини танқид қиларкан, воқеалар бутунлай ҳаёт ҳақиқатиға зид эканини мисоллар орқали очиб беради. У бундай асарларнинг узоқ вақт яшай олиши қийинлигини таъкидлаб, Ғозини Юнуснинг мақоласига эътибор қаратади. Ғозини Юнус ва Қодирий орасида матбуот орқали жуда катта баҳс-мунозара бўлиб ўтгани тарихий манбалардан маълум. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳар иккала муаллиф ҳам миллат манфаатини шахсий муносабатлардан афзал билган. Уларнинг ёзишмаларида миллий қайғу масаласи бирламчи аҳамият касб этади.

“АЗОБ БОҚЧАСИДА ЙИҒИ-СИҒИ КЕЧАСИ”

“Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 28 апрель 168-сонида “Жулкунбой Думбулбой ўғли” имзоси билан эълон қилинган мақолада “Роҳат боқчаси”да ўтказилган кечада томошабинларнинг озлиғи, аҳолининг маданий даражаси пастлиғи, жумладан, артистларнинг тажрибасизлиғи, репертуарнинг нотўғри танланиши, роллар тақсимоотидаги камчиликлар жиддий танқид қилинган. “Роҳат боқчаси” қадим Тошкентнинг ҳозирги цирк майдониға яқин жойлашган боғ бўлиб, унда турли кўн-


гилочар кечалар ташкил этилган. Муаллиф шундай ёзади: “Чунки қўбдан бери бундай қизиқ кечаларидан четда – нукул қайғу кечалари, қулфат водийларида кезиб, бунингдек кечаларға муштоқ эдим – ташна эдим”. “Кичик фелетун” деб номланган мақоланинг тили киноя, қочиримларға бойлиғи билан эътиборни тортади. Ровий “кулфат водийларида кезиб” хориганидан шикоят қилар экан, Туркистоннинг аҳволиға ишора қилади. Абдулла Қодирийнинг кичик асарларида воқелик муаллиф тилидан баён қилинади. Баён қилувчи муаллиф билан бир сатҳда, тенг позицияда бўлгани боис ўқувчининг ўзи ҳам бевосита воқеликнинг гувоҳиға айланади. Муаллиф воқеликка муносабатини баъзи ўринларда очиклайди, баъзан эса ошкор қилмайди. “Маданият боқчасининг маданий йигитлари ўз ёнларида битта-битта топилса “туташ”, топилмаса “баба” етаклаб юрганларини кўриб биз афсус қила бошладик, чунки биз ҳам овулдағи чечалардан икитасини олиб келган бўлсақ, етаклашиб юрган бўлар эдик”. Муаллиф ўзининг кийим-бошини “ваҳшийларча” бўлмаса ҳам “далатоб” эканидан мулзамлиғини, миллатнинг соғлом йигитлари “маданий йигит” бўлиш ниятида “баба” етаклаб юрганини киноя воситасида очиб беради. Қизил инқилобчиларнинг ерли аҳолиға



Бошланиши 1-саҳифада.

Одатда, жаҳон чемпионатида чиқишни мақсад қилган ҳар қандай мамлакат футбол мутасаддилари фавқуллоҳда ҳодисаларга ҳамиша тайёр туриши лозим. Шунинг учун футбол академиялари ташкил қилинди. Суперлига ва про-лига жамоаларининг моддий шароитини яхшилашга ҳам эришдик. Халқаро ареналарда ҳамкамларимиз маҳорати оширилди. Футболчиларнинг маошлари анча кўтарилди. Клубларга хорижий футболчи ҳамда мураббийларни жалб қилиш ривожланишнинг асосий босқичи бўлишини англаб етдик. Бу борада яраган-ярамаган хорижликлар пул учун келиб-кетаверди. “Бунёдкор”га келган бразилиялик мураббийга дунёдаги энг катта маош белгиланди. Олди, кетди. Германия, Англия, Голландия, Россия, Бразилиядан келган мураббийлар жаҳон чемпионати йўлида бир қадам ҳам олға босолмади. Газета ва журналлар, телевидение, ижтимоий тармоқда ички чемпионатларимиздаги келишилган ўйинлар, ғирром ҳакамлар, бой берилган халқаро мусобақалар тўғрисидаги танқидлар кўпайгандан кўпайди. Уларга муносабатдан гоҳ қоникдик, гоҳида ҳафсаламиз пир бўлди. Хуллас, барча спорт турлари каби футболимиз ҳам оғир бемор эди.

Биз “оёқ ўйини”га катта маблағни оқилонга сарфлашни ўрганаётган пайтимизда ёки Миржалол Қосимовнинг маҳоратига, обрўсига ишониб терма жамоага бош мураббий сифатида олиб келгунимизга қадар Осиё қитъасига Австралия деган мамлакатнинг бўйчан ва забардаст футболчилари кириб келди. Асосан Европа клубларида ўйнайдиган футболчилар термаси бизнинг



ДУНЁ ДАРВОЗАСИ ОЧИЛДИ БИЗГА

қитъамиз учун бериладиган икки яримта, учта ва уч яримта йўлланманинг биттасига яққол даъвогар эди. Бошқа томонда Япония, Жанубий Корея, Эрон ва араб жамоалари гўр режаларимизни чиппакка чиқараверди. Чунки бизда стратегия ва тактика қатъий “йўл харитаси” йўқ эди.

Чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, миллий терма жамоамизнинг барча футболчилари – Абдуқоҳур Маъруфалиевдан тортиб Жасур Ҳасановгача саралаш мусобақаларида катта босим остида майдонга тушшган. Тўғал шароит яратилмагани, молиявий инқироз, мураббийлар кўнимсизлиги, сансозларлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, раҳбарларнинг кайфиятига қараб ўйнаш, баъзи хорижий футбол жамоаларидаги “олди-берди” иллатлари, ҳакамларнинг ноҳолис-лиги, ички муҳитнинг бузилиши ҳар бир футболчимизнинг руҳий, маънавий ҳамда жисмоний ҳолатига жиддий зарба бериб келгани сир эмас.

Келинг, терма жамоамиз 2026

йил АҚШ, Канада ва Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритган экан, ҳадеб муаммоларни санай-вермасдан, ютуқларимизга ҳам назар ташлайлик. Бу ютуқлар, албатта, сўнгги йиллардаги қатъий ва оқилонга ислохотлар самарасидир.

Биринчидан, ҳукумат жисмоний тарбия ва спортга жиддий эътибор қаратиши билан бирга, тўғри талабни ҳам қўя билди. Шароит яратилди, адолат ўрнатилди. Шахсан Президент Шавкат Мирзиёев футбол билан боғлиқ бир қанча қарор ва фармонларни имзолади. Футбол тепасига ишончли мутахассисларни йигди. Ундан сал олдинроқ терма жамоамизнинг Миржалол Қосимов атрофида шакллантирилганлиги унинг миллийлашувига сабаб бўлган эди. Миржалол майдонда ҳам, мураббий сифатида ҳам жуда катта ишларни амалга оширган ягона футболчи саналади.

Иккинчидан, болалар ва ўсмирлар футболига эътибор кучайтирилиши, жойларда футбол академиялари ташкил қилиниши,

мураббийлар маҳоратини ошириш амалиёти ва хорижий тажриба иш бера бошлади. Шунингдек, халқаро ареналарда тажриба ортирган ҳакамимиз Равшан Эрматовнинг футболимизга масъуллардан бири этиб тайинланиши ФИФА даражасида эътибор топишимизга хизмат қилди. Натижада тўптепарларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида ишонч билан қатнаша бошлади.

Учинчидан, илгари Максим Шацких, Миржалол Қосимов, Виталий Денисов, Сервер Жепаров, Одил Аҳмедов каби бармоқ билан санарли йигитларимиз хорижий клублар сафига ўйнаган бўлса, бугун Элдор Шомуродов, Жалолддин Машарипов, Аббосбек Файзуллаев, Абдуқодир Ҳусанов, Отабек Шукуров, Азиз Турғунбоев, Остон Ўрунов, Ўткир Юсупов, Ҳожимат Эркинов, Рустам Ашурматов сингари ўнлаб футболчиларимиз жаҳоннинг топ клубларида тўп тепишяпти. Бу ўз-ўзидан уларнинг ортида турган ёшларимизда ҳавас ва иштиёқ уйғотиб, футболимизда соғлом

рақобатни юзага келтиряпти. Энг муҳими, бу гал хориждан мураббий танлашда адашмадик. Бугунги терма жамоамизнинг асосий ўзаги Сречко Катанец мураббийлигида шакллантирилиб, Тимур Кападзе унинг аънанасини давом эттирган ҳолда муваффақият дарвозасига йўл топди.

Тўртинчидан, ислохот самараси ўлароқ қайта жонланган жозибали футбол хувиллаган стадионларга ишқибозларни қайтарди. Футбол росмана миллий ўйинга айланди. Ашаддий ишқибозлар клублари пайдо бўлди. Термаимизнинг хориж майдонларидаги кўтаринки ўйинларига айнан ана шу фанатларнинг қўллаб-қувватлаши қанот бўлди десак адашмаймиз.

Маълумки, футбол оламида рағбат энг катта ва муҳим мотивация саналади. Осиё чемпионати билан боғлиқ “қор ўйини”ни эсланг. Жамоамиз оғир ва муҳим паллада ғалабани илиб кетган эди. Президентимиз уларнинг ҳаммасини меҳнатларига ва кўрсатган жасоратларига яраша мукофотлади. 2024 йилда бўлиб ўтган жаҳон Олимпиадаси йўлланмасини кўлга киритган 23 ёшларимизга ҳам алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Миллий жамоамизга кечагина берилган давлат мукофотларию рағбатларнинг салмоғига қаранг! Шахсан Президентнинг қўлидан мукофот олиш, унинг эътиборини қозониш ҳар бир спортчининг орзуси. Эндигина 21 ёшга қадам қўйган Абдуқодир Ҳусанов “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланди. Бундай эътирофу рағбат футболчи ҳамда мураббийларимизни, қолаверса, ишқибозларни ҳам илҳомлантириши турган гап.

Энди бизнинг футболчиларимизнинг ҳам, терма жамоаларимизнинг ҳам йўриғи бошқача бўлади. Футболимиз Ўзбекистон ва миллат номини дунёга ёди. Юртимизга қизиқиш ва эътибор ортади. Миллионлар ўйини Марказий Осиёдаги миллионлаб қардошларни янада бирлаштиради.

Терма жамоамизга жаҳон чемпионатида ҳам зафарли юришлар тилаб қоламиз.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?



ТАКЛИФ

Қозоғистонлик футбол шарҳловчисининг Тошкентда бўлиб ўтган ўйиндан тайёрлаган лавҳасини кўрдим. “You Tube”даги лавҳани дўстларимдан бири юборибди.

Қаранг, қўшни давлат шарҳловчиси ўз ҳисобидан Тошкентга келган, ўзи чипта олиб стадионга кирган ва ўз хоҳиши билан ўйинни қозоғистонлик мухлислар эътиборига ҳавола қилибди. Қўйил қўдим.

Лавҳани кўриб, миямга бир фикр келди. Келаси йили бўладиган Жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик мухлислар бориши аниқ. Мана шу таркибга қозоғистонлик ўша шарҳ-

ловчи ҳам киритилса фойдаси тегса тегадик, аммо зарари тегмайди. Илоҳи бўлса, қўшниларимиз – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан бир эмас, икки нафардан шарҳловчини олиб кетсак, улар бизга мухлислик қилиш билан бирга ўз каналлари орқали жамоамиз ўйинларини ёритишарди (Бизнинг ҳисобдан музқаймоқ еб келишса, бир умр эслаб юришарди, дейман-да).

Менимча, бу таклифим минтақа халқлари дўстлиги мустаҳкамланишига ҳам хизмат қиладди.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
Фейсбук

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Муҳаммадали ҒАФФОРОВ

ИФТИХОР

Шодланиб кетасан шундай чоғларда,
Вужудингга сиймай жўшади руҳинг.
“Ўзбекистон!” деган ҳайқириқлардан
Кўкларга тутшиб кетар шуқуҳинг!

Марди майдон дерлар, жонин ҳовучлаб,
Ашаддий мухлиснинг титрар юраги.
Бу ахир бир йигит улрича армон,
Бу ахир бир бутун халқнинг тилаги.

Рақибга ҳурмат-ку ўзбекка шior,
Айниқса, у бугун саналар меҳмон.
Аммо ҳисоб-китоб деган гап ҳам бор,
Ажралмас ҳисобли дўстлар ҳеч қачон.

Отингдан айланай, Азизбек оғам,
Учгандайин бўлди замбаракдан тўп.
Доғда қолди моҳир дарвозабон ҳам,
“Бунёдкор”ни кучди долға, талотўп!

Яна гол!
Яш-шавор!
Яшасин Элдор!
Майдонни гулватсин зарба товуши.
Ортингда Сурхон бор,
Ортингда эл бор,
Рақиблар титрасин қони увишиб.



Шиддати сўнмагай асло бу юртнинг,
Бир ўғли – ун девни енгган баҳодир.
Нариоқ югургин, бериоқ юргин,
Елкалаб қолмасин алп Абдуқодир.

Захира жонланар, отланар Игорьь,
Ижобат айлайди шоирнинг зорин.
Ерга тушмасидан муаллақ копток,
Рақиб дарвозага кирмоқда ёриб.

Ох, қандай ҳузурбахш
Қушмоқ шодон –
Юлдузлар сочилган яшноқ осмонни!
Бир бағримга босай, йўл бер, қадрдон,
Ватаним посбони – дарвозабонни!

Дўстларим, коптокдек айланаркан ер,
Алпомишлар тезлаб ғиротларини
“Hello, Amerika!
Ўзбек келди!” дер,
Кутиб ол Беруний авлодларини!

ЭЛЧИ ЯРАШТИРАДИ...

Тилимизда одамлар билан тез чиқишиб кетадиган, киришимли инсонларга нисбатан “эл бўлмоқ” ибораси ишлатилади. Ундаги “эл” сўзи қандай маънони англатиши ҳақида уйлаб кўрганмисиз?

Мен бу сўзни халқ маъносидидаги “эл”нинг айнан ўзи бўлса керак деб юрардим. Маҳмуд Қошғарий “Девон”ида “эл” сўзининг бир қанча маънолари келтирилиб, улар орасида “Икки шоҳ орасидаги келишув, ярашув” изоҳи эътиборимни тортди. Демак, Ўзбек

тилининг изоҳли луғатида “бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакилларининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс; шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши” дея изоҳланган “элчи” сўзининг ўзаги, катта эҳтимол билан айнан мана шу – “келишув ва ярашув” маъносидидаги “эл”дир.

Ҳақиқатан ҳам, уйлаб қарасак, “одамларга эл бўлиш” – улар билан келишиб кетишни билдиради.

Шавкат Раҳматуллаевнинг “Ўзбек

тилининг этимологик луғати”га кўра эса, “элчи” сўзи “қадимги туркий тилда “эл” отининг “давлат” маъносидан -чи қўшимчаси билан ясалган: эл+чи=элчи.

Албатта, “эл” сўзининг “давлат” маъносини ҳам, кенг тарқалган “халқ” маъносини ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунки “эл бўлди” дегани – “халққа қўшилди” дегани ҳамдир.

Қайси маънони олманг, бу – она тилимизнинг қанчалар бой ва жозибадор эканига далил бўлаверади.

Элмурод НИШОНОВ

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Дилмурод Дўстбеков

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 655
Шундан:
Кирилл ёзувида – 7 942
Лотин ёзувида – 11 713
Медиа кузатувчилар – 44 995
Бююртма: Ғ – 639
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:00
Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz



ТИЛБИЛИМ